Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 124 (3625)
2 ЖУМА
ИЮНЬ 1978 Й.
Газета 1966 йил 1 июндан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Бригаданинг беш йиллик топшириғи кам ишчи кучи билан бажарилади

ТАШАББУСГА ҚЎШИЛИБ

Тошкентнинг энг яхши қурувчи ва монтажчилари свердловсклик ҳамкасбларидан ўрнак олишиб, беш йиллик топшириқларини кам ишчи кучи билан бажаришга қарор қилган ҳолда ишлашиб меҳнатда ютуқларга эришмоқдалар.

Метро қурувчилари ҳам бундай муҳим ишдан ортда қолишмаяпти. Тошкент метро қуриш трести 2-қурилиш-монтаж бошқармасининг К. Виноградов бошлиқ бригадаси свердловсклик ташаббусига қўшилишиб, коллективдаги 72 ишчининг ўрнига 68 ишчи бўлса ҳам беш йиллик топшириқни бемалол бажара оламиз деган фикрга келишган эди. Ҳозир бу бригада метрополитен иккинчи навбатининг «Пушкин» станцияси билан «Ҳамид Олимжон» бекати оралиғида тунель қазиш ишларини бажаряпти. Коллектив дуч келаётган барча қийинчиликларни енгиб, ҳар ойда планда белгиланган 75 метр ўрнига 85 метрдан туннель очишга муваффақ бўляпти. Улар тез кунлар ичида чап туннелдаги лаҳим қазиш ишларини битказиш ниятида иш суръатини оширмоқдалар. Ўнг туннелда ҳам қурилиш ишлари қизғин давом этяпти.

Бригада уч йиллик планни 7 октябрда бажаришга сўз берган. Коллективнинг Василий Бутусов, Александр Ерофеев, Николай Ситников, Мамарасул Қаршиев сингари лаҳимчилари бу ниятга етиш йўлида зарбдор суръат билан ишлашмоқда.

ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК ВИЗИТИ

СОВЕТ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ СЛОВАКИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ВА СЛОВАКИЯ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ РАҲБАРЛАРИ БИЛАН СУҲБАТИ

1 июнь куни Братислава Кремлида СССР партия-ҳукумат делегацияси Словакия Компартияси Марказий Комитетининг, Словакия Социалистик Республикаси ҳукумат ва давлат органларининг вакиллари билан суҳбатлашди.

Суҳбатда Совет делегациясининг бошлиғи — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, делегация аъзолари: КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шчербицкий, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. В. Архипов, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. Ф. Мальцев, СССРнинг ЧССРдаги элчиси В. В. Мацкевич қатнашдилар.

Суҳбатда делегация билан бирга Прагадан келган ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак, ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзолари, Марказий Комитет секретарлари В. Биляк ва И. Кемпний иштирок этдилар.

Меҳмонларни Словакиянинг раҳбар арбоблари: ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Словакия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Ленарт, ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Словакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг раиси Н. Цолотка, ЧКП Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Словакия Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Грушкович, Словакия Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари: В. Шалгович, Л. Абрагам, И. Янак, Я. Яник, Е. Литвай о в а, Л. Пезлар, Г. Шлапка, М. Валек, Словакия Компартияси Марказий контрол-ревизия комиссиясининг раиси М. Бодя, Словакия Компартияси Марказий Комитети секретариатининг аъзолари, Словакия Миллий Кенгаши, республика ҳукуматининг раҳбарлари, Словакия Миллий Фронти составига кирувчи партиялар раҳбарлари қабул қилдилар.

Ўртоқ Ленарт Ўртоқ Л. И. Брежнев бошлиқ совет партия — ҳукумат делегациясини Словакия диёрида самимий табриклади. У Словакия коммунистларининг ҳаёти ва иши тўғрисида, словак халқи Чехословакия Коммунистик партиясининг юксак самарадорлик ва бутун иш сифатини яхшилаш йўлини амалга оширишга бел боғлаганлиги ҳақида. Словакиянинг халқ хўжалиги муваффақиятли ривожланиб бораётганлиги ва ЧССР жами маҳсулотини вужудга келтиришдаги унинг ҳиссаси қарийб 30 процентга етиб, юксак суръатлар билан ўсиб бораётганлиги тўғрисида делегация аъзоларига гапириб берди. 70-йиллар ЧССРда социализмнинг энг муваффақиятли қурилиш даври бўлди ва бу гаплар Словакияга ҳам тўла даражада тааллуқлидир, деб таъкидлади Ўртоқ Ленарт.

Мамлакатда Чехословакия халқлари ва элатларини ҳар томонлама камол топтириш ва бир-бири билан яқинлаштириш учун яхши шароитлар вужудга келтирилди, деди Ўртоқ Ленарт. ЧССРнинг қардош социалистик давлатлар иттифоқига мансублиги, Совет Иттифоқи кўрсатаётган катта ёрдам эришилган муваффақиятларнинг муҳим гаровидир. ЧССРнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашида катнашуви доирасида ҳамда Совет—Чехословакия икки томонлама муносабатлари доирасида Словакия билан Совет Иттифоқининг иқтисодий алоқалари ҳам ўсмоқда.

Сўнгра Ўртоқ Ленарт социалистик Чехословакия билан Совет Иттифоқи муносабатларининг бутун тарихи ва самимий қардошлик, амалий социалистик интернационализм руҳи билан суғорилганлиги тўғрисида гапирди. У ялпи тинчликни мустаҳкамлаш учун, халқларнинг тинч ҳамкорлик қилишлари учун, қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун курашда Совет Иттифоқи жуда катта роль ўйнаётганлигини таъкидлади.

Ўртоқ Брежнев социалистик Словакиянинг ҳаёти тўғрисида берган ахбороти учун Ўртоқ Ленартга ташаккур айтди. Словакия индустрияси ва қишлоқ хўжалигининг мутасил ривожланиб бораётганлиги Чехословакиянинг ҳар икки қисмида иқтисодий даража билан аҳоли турмуш даражасини бараварлаштиришдек принципиал муҳим вазифани ҳал этишга қўшилган катта ҳиссадир. Бунга Чехословакия Компартиясининг раҳбарлари миллий масалани ленинча изчил йўл билан ҳал этаётганликлари туфайли эришилди.

Словакиянинг СССР билан иқтисодий ҳамкорликда ва бошқа хил ҳамкорликда актив қатнашаётганлиги қувончли воқеадир, деди Ўртоқ Брежнев. Шу билан бирга у бевосита алоқаларнинг, шу жумладан, иқтисодий алоқаларнинг, Совет Иттифоқи билан Словакиянинг чегара бўйи областлари ўртасидаги алоқаларнинг аҳамиятини алоҳида айтиб ўтди.

* * *

Пировардида Ўртоқ Брежнев совет партия-ҳукумат делегациясининг қарлош Чехословакияга қилган визитининг биринчилиги Прагада Чехословакиянинг раҳбарлари билан ўтказилган музокараларнинг аҳамиятига юксак баҳо берди. Бу музокаралар, деди у, Совет — Чехословакия ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш йўналишларини белгилаб олишга ёрдам беради.

Чехословакиянинг ички тараққиёти ва халқаро майдонда эришган муваффақиятлари — ЧКП Марказий Комитети, унинг Ўртоқ Гусак бошчилигидаги Президиуми хизматидир, юз минглаб чех ва словак коммунистларининг хизматидир, деб таъкидлади Ўртоқ Брежнев. У Словакия коммунистлари ва барча меҳнаткашларининг катта ва масъулиятли ишида уларга янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

Самимий, Ўртоқларча вазиятда ўтган суҳбатда совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров, А. И. Блатов ва КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари Г. Х. Шахназаров, Чехословакия томонидан—ЧКП Марказий Комитети Бош секретари секретариатининг мудири В. Вайнар, ЧССРнинг СССРдаги элчиси Ч. Ловетинский, ЧКП Марказий Комитети халқаро сиёсат бўлим мудирининг ўринбосари М. Штефаняк ҳам иштирок этдилар.

(ТАСС).



Коммунистик меҳнат зарбдори Тамара Матвиенко Тошкент химия-фармацевтика заводи таблетка дорилари тайёрлаш цехининг пешқадам қадоқловчиси. Корхонада кўп йиллардан буён баракали меҳнат қилиб келаётган бу аёл кунинча йиллик топшириғини муддатидан аввал адо этиб, ҳозир беш йиллигининг тўртинчи йили ҳисобига меҳнат қила бошлади.

СУРАТДА: Тамара Матвиенко ёш ишчи Шонра Эшонқуловага иш ўргатмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ КПСС Марказий Комитетининг Бош секретери, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бошчилигидаги совет партия-ҳукумат делегацияси 31 май кечқурун Прагадан Братиславага жўнаб кетди.

Меҳмонларни Братиславанинг ва социалистик Словакиянинг юз минглаб намояндалари саммий кутиб олдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бошчилигидаги совет партия-ҳукумат делегацияси Славин тепалигидаги совет ҳалоскор жангчилари ёдгорлиги ёнига гулчамбар қўйди.

Делегация аъзолари бир дақиқа сукут сақлаб қаҳрамонларнинг ҳотирасини ҳурматладилар.

Сўнгра Ўртоқ Л. И. Брежнев, делегация аъзолари Словакия миллий қўзғолони қаҳрамонларининг ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги совет партия-ҳукумат делегацияси кеча Братиславадан Прагага жўнаб кетди.

◆ КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «1978 йилда ҳосил ўрим-йиғими, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва озуқа тайёрлашни таъминлаш ҳамда 1978—1979 йил даврида чорва моллар қишловини муваффақиятли ўтказиш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилдилар. Ушбу қарорнинг баёни бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

ТОШКЕНТ ТУНИСНИ ТАБРИКЛАЙДИ

Сўнгги йилларда бирдарлашган шаҳарлар — Тошкент билан Тунис ўртасида мустаҳкам дўстлик алоқалари қарор топди. Тунис муниципалитети делегациясининг ўтган йилги шаҳримизга визитини тошкентликлар яхши эслашади. Бу йил эса Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг делегацияси Тунисда бўлди. У ерда республикамиз вакиллари саммий, дўстона қабул қилиндилар.

Мавжуд алоқаларнинг мунтазам чуқурлашиб, кенгайиб бораётганлиги диққатга сазовордир. Жумладан, неча Тунис Республикасининг миллий байрами— Ғалаба куни муносабати билан Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети Тунис шаҳрининг мэри жаноб Салох Ауини номига табрик телеграммасини йўллади. Шунингдек, Тунис Республикасининг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Муҳаммад Эссафига ҳам табрик телеграммаси йўлланди.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА

Кеча

Ленин комсомоли номли маданият ва истироҳат боғида болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунига бағишлаб жуда кўп қизиқарли тадбирлар ўтказилди. Оромгоҳ кун бўйи Октябрь районидаги болаларнинг ихтиёрига бериб қўйилди.

Бу ерда Охунбобоев номли пионерлар саройи турли тўгаракларининг қатнашчилари ўзларининг ҳаваскорлик бўйича яратган ишларини намойиш қилдилар. Болаларга қўғирчоқ спектаклар кўрсатилди, асфальтда расм чизиш конкурси олиб борилди. Шундан кейин ҳаваскорлар ижросида қувноқ концертлар намойиш этилди.

●

Республика Рассомлар союзининг марказий кўргазмалар залида намойиш қилинаётган рассом Раҳим Аҳмедовнинг асарлари кўргазмасини шаҳар мактабларининг ўқувчилари келиб кўрдилар. Таниқли санъаткор ўзининг «Оналик», «Сурхондарёлик қиз», «Рассом Ўрол Тансиқбоев» портретлари, қатор замондошларининг ёрқин қиёфаси акс эттирилган асарларни кўргазмага қўйган.

Республика Рассомлар союзи ана шу кўргазмани Қозоғистоннинг пойтахти Олмаота шаҳрида намойиш қилиш ҳақида тадбир белгилади. У кўргазма яқин кунлар ичида қардош ўлка томошабинларининг диққатига ҳавола этилади.

●

Тошкент ёғ-мой комбинатида ишлаб чиқариш ўзлаштирилган янги маҳсулот— «Городской» маргарининг дастлабки туркуми савдо тармоқларига жўнатилди. Бу маҳсулот айниқса парҳез овқатларга ишлатишда қўл келади. Йил охирига қадар янги маҳсулотдан 24 тонна ишлаб чиқарилади.

Ҳозирги пайтда корхонада ёғ, маргарин, мой ва майонезнинг 20 дан ортиқ хили тайёрланмоқда. Бу маҳсулотлар Ўзбекистоннинг ўнлаб шаҳарларига, шунингдек қардош Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикаларига жўнатилмоқда. Шу йилнинг янги маҳсулотлари орасида «Радуга» деган маргарин ҳам бор. Бугунга қадар бу янги маҳсулотдан 74 тонна тайёрланди. Тошкент ёғ-мой комбинати яқин кунларда яна икки хил маҳсулотни ўзлаштиришга киришади.

●

СССР халқлари дўстлиги музейида Москва, Ленинград ва Тошкент шаҳарларидаги олий ва ўрта махсус бадиий ўқув юртлари студентлари ва ўқувчиларининг иккинчи республика кўргазмаси тантанали очилди.

Ҳозирги пайтда республикамизнинг бир қатор қобилиятли ёш рассомлари, архитекторлари, ҳайкалтарошлари ва манзарачи рассомлари Москва ва Ленинграднинг бадиий ўқув юртларида таълим олишмоқда. Ўтган йили уларнинг биринчи ҳисобот кўргазмаси ташкил этилган эди.

Кўргазмага қўйилган ранг-баранг асарлар ўзининг жозибаси билан диққатни тортади. Кўпгина манзарали расмлар, ҳайкаллар ижодкор ёшларимизнинг маҳорати ўсиб бораётганлигидан далолат бермоқда. Москва ва Ленинградлаги олий бадиий ўқув юртлари Ўзбекистон ёшларига санъат сирларини ўргатиб, жуда катта ҳиммат кўрсатяпти.

Бугун

Республика соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли гематология ва қон қўйиш институтида ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» китобларига бағишлаб конференция ўтказилди. Унда институт директори Х. Ҳакимов, ходимлардан Ю. Аренов, В. Дмитриевлар қатнашдилар. Булар Улуғ Ватан урушининг жанг майдонларида шижоат кўрсатган Ватан фарзандларидир.

Конференцияда сўзга чиққан нотиқлар Л. И. Брежнев китобларига юксак баҳо бериб, уларни коммунистларнинг ғоявий-сиёсий, меҳнат ва аҳлоқий тарбия ишларидаги муҳим ҳужжат деб атадилар.

Собиқ денгизчи А. Петров ва медицина ҳамшираси Д. Бозорова Кичик ерда Ватан жангчиларининг кўрсатган матонати ҳақидаги таассуротларини гапириб бердилар.

●

Тошкент суг комбинатида мойлилиги 11 процентдан иборат бўлган пархез творогини ишлаб чиқариш бўйича янги технологик линия ишга туширилди. Эндиликда ҳамшаҳарларимиз ҳар куни бир ярим тоннадан кўпроқ янги маҳсулотни оладиган бўлдилар. Корхонада ишлаб чиқариш жараёнларини замонавий ускуналар билан таъминлаш ва автоматик линиялар ўрнатиш меҳнат унумдорлигини ошишида катта имконият очмоқда. Натижада маҳсулот сифати яхшиланиб борялти.

Шу кунларда корхонада 20 дан ортиқ номда турли сут маҳсулотлари тайёрлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотнинг катта қисми асосан қоғозли ва полимерли идишларга жойланяпти. Комбинат йил охирига қадар савдо ташкилотларига қарийб 140 минг тонна сут маҳсулотларини етказиб беради.

Эртага

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали тайёрлаган «Ривожланган социализмнинг асосий қонуни» деган кўчма кўргазма трактор заводининг ишчи ва хизматчилари диққатига ҳавола қилинади. Корхонанинг маданият саройида кўргазма очилиши билан СССР Конституциясининг чинакам Бахт қомуси эканлиги ҳақида лекция ҳам ўтказилади.

Мўътабар даргоҳнинг бу кўчма кўргазмаси келгуси ҳафталарда лак-бўёқ заводида, 159-қурилиш трестида, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида, «Октябрь революцияси» номли тепловоз ремонти заводида намойиш қилинади.

УЧ ҚИТЪА КИНО САНЪАТИНИНГ БАЙРАМИ

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ V ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ ЁПИЛДИ

Ун кун Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинофестивалининг қатнашчилари ва меҳмонлари учун қизғин иш даври бўлди. Ниҳоят кузатиш дамлари, дўстларга, эски ва янги таништларга «кўришгунча хайр» деб айтадиган пайт ҳам келди.

1 июнь куни киноанжуман қатнашчилари ва меҳмонлари қилинган ишга, «Тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» деган шиор остида ижодий фикрлашув ва гурунгларга якун ясаш учун Тошкент Санъат саройига якунловчи учрашувга тўпланишди.

— КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг самимий ва сидқидил табрикномаси, унда кино санъати халқлар ўртасида ишонч ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили, деб берилган юксак баҳо бешинчи халқаро кинофестиваль меҳмонлари ва қатнашчилари қалбида зўр акс садо бериб, уларнинг қизғин қўллаб-қувватлашига сабаб бўлди, фестивалнинг муваффақиятини олдиндан белгилаб берди, деди ҳозир бўлганларга мурожаат қилиб фестиваль ташкилий комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева.

Кино арбобларининг Ўзбекистон пойтахтида ўтказилган бу галги учрашуви Леонид Ильич Брежневнинг Тошкент фестивалларни планетада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқларнинг ижтимоий ва маданий ривожланиш, миллий мустақиллик ва демократия учун кураш вазифаларига мос бўлиб тушади. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси илғор санъат арбобларини ўртасидаги, дунёнинг барча мамлакатлари кинематографиячилари ўртасидаги алоқаларни кучайтиришга хизмат қилади, деб айтган сўзларининг яққол исботи бўлди.

Фестиваль уч қитъа халқлари дўстлигининг ҳақиқий байрамига айланди. У илғор кино арбобларининг кучлари янада жипслашганлигини намойиш қилди ва миллий кинематографияларнинг бир-бирини ўзаро бойитишида янги қадам бўлди. Ҳамманинг фикри ана шу.

Кино кўрик қатнашчилари расмий кўрик учун 230 та бадиий, қисқа метражли ва ҳужжатли фильм тақдим этишди. Тематикаси, жанрлари ва ижодий услуби жиҳатидан турлича бўлган бу фильмлар Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқлари турмуши ва меҳнатининг кураши ва муддаоларининг, орзу-умидлари ва ижодий режаларининг кенг панорамасини гавдалантирди. Фестиваль фильмлари илғор кинематограф ижоди билан уч қитъа мамлакатларининг халқлари ҳаётидаги чуқур сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар ўртасидаги чамбарчас боғланишнинг яққол далили бўлди.

Бу галги кино кўрик ғоят ваколатли составда ўтди. Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги етмиш чет мамлакат тўртта халқаро ва миллий ташкилот — БМТ, ЮНЕСКО, Фаластин Озодлик ташкилоти ва Чили ватанпарвар кучлари, тўққиз Совет иттифоқдош республикаси фестивалнинг расмий қатнашчилари бўлдилар. Расмий кўрикда Австралия билан Океания вакиллари биринчи бор қатнашдилар. Унда — барча Совет иттифоқдош республикаларидан ва социалистик мамлакатлардан, Европа ва Шимолий Америка давлатларидан кўпгина меҳмонлар иштирок этишди.

Аслида Тошкент фестивалида ер куррасининг барча қитъаларидан вакиллар қатнашишди. Унинг иштирокчилари ва меҳмонлари орасида — таниқли сиёсий ва давлат арбоблари, жаҳон киносининг атоқли усталари, машҳур режиссёрлар, операторлар, актёрлар ва кино танқидчилари бор эди.

Тошкент фестивалларни тартиб-қоидасида барча мамлакатларнинг тенг ҳуқуқ билан қатнашиши кўзда тутилган. Унда конкурс йўқ, фестиваль маслакдошларнинг ижодий тажрибани баҳам кўриш, кино санъатидаги жамики энг яхши, илғор кучларни жипслаштириш учун дўстона учрашув тарзида ўтказилади. Расмий кўрикдаги ҳамма фильмларга фестивалга қатнашганлиги тўғрисидаги дипломлар берилди, шу билан бирга фестивалнинг қирқ икки фильмини Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг турли жамоат ташкилотлари ўз совғалари ва дипломлари билан тақдирладилар.

Тошкент киноанжумани доирасида «Тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун курашда кинонинг роли» мавзуидаги ижодий мунозара бўлиб ўтди, Бутуниттифоқ «Совэкспортфильм» бирлашмаси ташкил этган кино бозори ишлаб турди. Фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари Ўзбекистон ва унинг пойтахти билан танишдилар, республика шаҳар ва қишлоқларининг меҳнатчилари ҳузурида меҳмон бўлдилар. уларнинг меҳмондўстлигини, тинчлик, дўстлик ва тараққиёт ғоялари тантанасига астойдил ишонганликларини, уларнинг КПСС XXV съезди ўртага қўйган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга сидқидилдан интилаётганликларини якиндан ҳис қила олдилар.

Тошкент кинофестивали ёпилиши пайтида сўзга чиққан делегацияларнинг вакиллари ўртоқ Л. И. Брежнев табрикномасининг жуда катта аҳамиятини, кўрикнинг биринчи кунидан сўнгги кунигача чинакам яхши ният, ўртоқларча ҳамкорликнинг самарали муҳитини қайд этдилар.

...Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат гимнлари янграйди. Фестивалнинг мовий эмблемаси тасвирланган оқ алвон тантанавор туширилади.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг бешинчи халқаро кинофестивали тугади. Унинг қатнашчилари ўз мамлакатларига ижодий тажриба билан, янги ғоялар ва режалар билан қайтиб борадилар, бу ғоя ва режалар юксак ҳаётбахш идеаллар йўлидаги курашда илғор кино санъати байроғини янада баланд кўтариш имконини беради.

(ЎзТАГ).

Кутубхонада кўргазма

Алишер Навоий номидаги кутубхона йирик зиё масканларидан бири ҳисобланади. Билим ихлосмандлари бу ерда турли нодир қўлёзмаларни ўқиб, баҳраманд бўлишади. Кутубхонанинг кўргазмалар залида турли саналарга бағишланган ранг-баранг ва сермазмун кўргазмалар кўпчилик эътиборини ўзига тортади. Куни кеча кўргазмалар залида яна бир янги кўргазма очилди. Кино санъатига оид бу кўргазма замонавий совет кинематографлари, чет эллнинг таниқли кино санъати усталари ҳақидаги китоблар ва суратлардан ташкил топган. А. Гукаркининг «Чарльз Чаплин ва унинг фильмлари», Андрей Базининг «Кино нима ўзи?», Жорж Садулнинг «Кино санъатининг тарихи» асарлари шулар жумласидан.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари Халқаро Тошкент фестивалларига оид суратлар кўргазмасида алоҳида ўрин тутади. Фестиваль ҳақида яқиндагина Ғафур Ғулом нашриётида чиққан тўплам ҳам, «Фестиваль йўлдоши» газетасининг турли сонлари ҳам кўргазмада намойиш этилмоқда.

Кўргазмада ўзбек кино санъатига оид махсус бўлимча бор. Бу ерда намойиш этилаётган асарлар ўзбек кино санъати босиб ўтган йўл ҳақида ҳикоя қилади.

М. ҒАНИХОНОВ.

ЛЕКЦИЯ ПРОПАГАНДАСИ ТАЪСИРЧАНЛИГИ УЧУН

Тошкент алоқа техникаси институтида шаҳар лекторларининг илмий-техника пропагандасининг сифати ва таъсирчанлигини ошириш йўлларига бағишланган илмий-методик конференция бўлиб ўтди. Пропагандистлар, олимлар ва лекторларнинг бу йиғилиши КПСС Марказий Комитетининг шу йил март ойида қабул қилган «Лекция пропагандасининг аҳволи ва уни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорига бағишланди.

Институт ректори, Тошкент шаҳар «Билим» жамияти ташкилоти қошидаги илмий-техника билимлари пропагандаси бўйича илмий-методик кенгашининг раиси Ж. А. Абдуллаев ҳозирги пайтда мамлакатимизда ва республикамизда фан ва техниканинг юксак тараққий этиб бораётганлиги, унинг ютуқларини меҳнатмашлар ўртасида кенг пропаганда қилиш борасида турган вазифалар ҳақида гапирди.

Конференцияда шу олий ўқув юртининг доценти, фалсафа фанлари доктори С. Я. Свирский, техника фанлари кандидати, энергетика ва автоматика институтининг илмий ходими М. М. Файзиев, Тошкент область партия комитетининг лектори К. С. Пен илмий-техника пропагандаси таъсирчанлигини такомиллаштириш, ўнинчи беш йилликда техника тараққиёти борасида эришилаётган ютуқлар ҳақида гапирдилар.

Телетайп лентасидан

ПРАГА. ЧССРнинг Жанубий Моравия областидаги Пошторна шаҳрида қурилган фосфор кислотаси ишлаб чиқарадиган янги завод дастлабки маҳсулот берди. Бу корхона Совет Иттифоқининг техника вий ёрдами билан қурилган, СССР дан бу ерга асосий технология ускуналари етказиб берилди, совет мутахассислари корхонада монтаж ишларини олиб боришда кўмаклашдилар.

Завод шу йилнинг ўзидаёқ 172 миллион кроченик маҳсулот ишлаб чиқаради, келгусида эса ишлаб чиқариш ҳажми 2.5 баравар ортади. Бу эса мамлакат халқ хўжалигининг ана шу муҳим ҳом ашёга бўлган талабини тўлатўкис таъминлаш имконини беради. илгари бу ҳом ашё капиталистик мамлакатлардан ташиб келтирилар эди.

БУХАРЕСТ. Румнияда ёшларининг илмий-техникавий конкурси тамом бўлди. Конкурс «оммани илмий-техникавий ижодиётда кенг қатнаштириш учун» шиори остида ўтди. Конкурсда иштирок этган 500 дан ортиқ киши бир ярим мингдан кўпроқ таклиф киритди.

ГАВАНА. Шу йилнинг ёз фаслида Кубада ўтадиган ёшлар ва студентларнинг XI жаҳон фестивалида Гавана шаҳридан қатнашадиган делегация состави тас. диқланди. Делегация 295 йигит ва қиздан иборат бўлиб, улар пойтахт ёшларининг энг яхши вакиллари, меҳнатда, ўқишда, жанговар ва сиёсий тайёргарликда юксак кўрсаткичларга эришган меҳнат қаҳрамонлари, ишлаб чиқариш илғорлари, революцион қуроллин ижодкорларнинг жангчиларидир.

СИНГАПУР. Бултур Сингапурнинг кемасозлик ва кемаларни ремонт қилиш корхоналарида 1122 та бахтсиз воқеа рўй берган эди. Бу эса 1970 йилда рўй берган ана шундай воқеалар сонига нисбатан қарийб тўрт баравар кўпдир. Бунинг натижасида докерлардан 14 киши ҳалок бўлди ва юзлаб киши жиддий шикастланди.

Сингапур матбуотининг ёзишича, иш жойлари техника хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган тегишли мосламалар ва ускуналар билан етарли даражада таъминланмаганлиги ҳолда ишлаб чиқаришнинг интенсивлаштирилганлиги Сингапур кемасозлик ва кемаларни ремонт қилиш корхоналарида аҳволнинг шу қадар ночорлигига асосий сабаб бўлмоқда.

БУЭНОС-АЙРЕС. Аргентинада энг зарур бир қанча молларнинг нархи ва коммунал хизмат кўрсатишнинг баъзи турлари яна оширилганлиги эълон қилинди. Жумладан, электр энергиясидан фойдала ниш тарифлари кўпайди, ёқилғи қимматлашди. Жамоат транспортида юриш қиймати 7 процент ортди.

(ТАСС).

ПЛАН ОРТИҒИ БИЛАН БАЖАРИЛДИ | СИФАТ БЕЛГИСИ БЕРИЛДИ | ХАЛҚҚА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ | ЖУРНАЛ ХОДИМЛАРИ — ЎҚУВЧИЛАР МЕҲМОНИ | АТТЕСТАЦИЯГА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

• *Коммунист ўйлари*

Шарафли бурч

Заводимиз машинасозлари олдида катта вазифалар турибди. Бу йил камида 9 мингта турли маркадаги пахта териш машинаси берамиз. Шуниси қувончлики, Ўзбекистон ССР янги Конституцияси қабул қилинган йилда бизнинг икки қаторли 17—ХВ—1,8 Б ва 17—ХВ—1,8Б—01 пахта териш машинамизга Давлат Сифат белгиси берилди.

Корхонамиз меҳнаткашлари уч йил сурункасига КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини, 26 кварталдан бери эса ССРР Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги ҳамда тармоқ касаба союзларининг кўчма Қизил байроғини ўз қўлларида сақлаб келмоқдалар. Коллективимиз тўрт йиллик планни барча кўрсаткичлар бўйича ортиғи билан бажарди. Мамлакатимиз пахтакор хўжаликлари ташсельмашчилардан уч мингдан зиёд серунум, сифатли терим машиналари ва кўплаб миқдорда эҳтиёт қисмлар қабул қилиб олдилар.

Бу йил меҳнат унумдорлигини 10 процентга оширишни мўлжаллаганмиз. Биз тинч меҳнат фронтида фидокорлик кўрсатяпмиз. Ҳа, ҳеч муболағаси йўқ. Бизнинг заводимиз тинчлик қуролини — деҳқончилик, пахтакорлик қуролини ишлаб чиқаради. Демак, пахтакорлик — ҳаммамизнинг касбимиздир!

Биз ўз меҳнатимиз билан мамлакатимизнинг куч-қудратини тобора ошираётирмиз. Шу сабабли ҳам бригадамизда сифат учун, ҳам самарадорлик учун мусобақани қизитганмиз. Пойтахтимиз ишчилар синфи, барча меҳнаткашлари шундай ишлашяпти.

Мен бир беш йилликда икки беш йиллик планни бажариш тўғрисида ташаббус билан чиққан ишчидарнинг биримаи. Бизнинг ташаббусимизни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети маъқуллаган эди.

Бу ҳаракатга жуда кўплаб ишчилар қўшилдилар. Буёғини сўрасангиз, биз «Тўқкизлар», «Ўнлар», «Ўн тўртлар», «Ўн бешлар» ўз сўзимизнинг устидан чиқдик! Фақат бизгина эмас, пойтахтимиздаги юзлаб азамат ишчилар ўнинчи бешлликнинг учинчи йили программасини барвақт бажариб, шу кунларда яна бир беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг Б о ш секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» китоблари бу борада биз, ишчиларга она-Ватанимиз бахт-саодати йўлида янада сидқидилдан, фидокорона меҳнат қилишга чорловчи йўлчи юлдузимиз бўлиб қолди.

М. МУИДИНОВ,

«Ташсельмаш» заводи слесарлар бригадасининг бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.



▲ СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК — ШИОРИМИЗ

ОЙДИН ЙЎЛДАН

КПСС XXV съездида қабул қилинган «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари»да ўнинчи беш йилликнинг бош вазифаси — халқ хўжалигининг барча звеноларида юксак самарадорликка эришиш ва маҳсулот сифатини яхшилашнинг ойдин йўллари кўрсатиб берилган.

Республика автомобиль йўллари қурилиши ва эксплуатацияси министрлиги ҳам ана шу йўлдан бориб, иш сифатини яхшилаш борасида талайгина ишларни амалга оширяпти. Жумладан, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш учун фан-техника ютуқлари кенг жорий этилмоқда. Маълумки, автомобиль йўллари қурилиши сифатини оширишда йўл қурилиши материалларининг сифати катта аҳамиятга эга. Чунки ана шу материаллар, асосан асфальт-бетон қоришмалари қанчалик сифатли бўлса, қурилаётган автомобиль йўлларида шунчалик узоқ муддат фойдаланиш мумкин. Илмий-тадиқот ишлари планига кўра иш олиб бораётган машҳур министрлик мутахассислари айниқса, корхоналарда маҳсулот сифатини комплекс бошқариш системасини жорий этишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Масалан, ўнинчи беш йилликнинг икки йили мобайнида «Ўздорстройиндустрия» бирлашмасининг бир қатор саноат корхоналарида маҳсулот сифатини комплекс бошқариш системасининг бир нечта элементлари жорий этилди. Жумладан, темир-бетон кўприк конструкциялари экспериментал заводида Давлат аттестацияси ўтказилди. Бу ерда 13 хил конструкция ва материаллар аттестациясига тақдим этилди.

Ҳозирги кунда «Ўзоргтехдорстрой» трестининг сифат бўйича техника инспекция бўлимида сифат бўйича барча хизматлар — лаборатория ишлари, стандартлаштириш, метрология ва саноат маҳсулотларини аттестациялаш ҳамда сифатни назорат қилиш ишларини бирлаштириш мўлжалланмоқда. Бу бўлимнинг асосий вазифаси йўллар қурилишининг барча босқичларида белгиланган сифат даражасини таъминлашдан иборат. Фақат 1977 йилнинг ўзида сифат хизмати ходимлари 100 дан ортиқ қурилиш объектларини ва министрликка қарашли кўплаб корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини текширдилар. Сифат бўйича қилинаётган ишларни назорат қилиш ва текшириш пайтида тайёрланган видномагнитофон овозлар ва киска метражли техник фильмлар министрликнинг барча коллегияларида эшиттирилиб, намойиш этилди. Бу эса катта самара беряпти.

Бу йил Қўйилиқдаги темир-бетон кўприк конструкциялари заводида маҳсулот сифатини комплекс бошқариш системасининг элементлари ишлаб чиқиш ва жорий этиш кўзда тутилган. Ана шу муносабат билан «Ўзоргтехдорстрой» трести коллективи ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилида «Ўздорстройиндустрия» бирлашмасига маҳсулот сифатини комплекс бошқариш системасини жорий этишда методик ёрдам кўрсатиш учун тематик план ишлаб чиқариш мўлжалланган.

Маҳсулот сифатини комплекс бошқариш системасининг жорий этилиши тайёрланаётган маҳсулотларни Давлат Сифат белгиси аттестациясига тақдим этиш имконини беради. «Ўздорстройиндустрия» бирлашмаси ва йўлсозлар коллективлари шу йилнинг ўзида иккита буюмни фахрли беш киррали белги аттестациясига тақдим этиш учун ҳаракат қилишяпти.

М. ФЕЛЬДМАН,
«Ўзоргтехдорстрой» трестининг бўлим бошлиғи.

◆ ИЛМ МАСКАНЛАРИДА

ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Тошкент Давлат университети қошидаги Ўқитувчилар малакасини ошириш институтида бўлиб ўтган илмий конференция ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» асарларни муҳокамасига бағишланди.

Конференцияда сўзга чиққан институт ректори, профессор С. Турсунмуҳамедов, тарих фанлари кандидати Е. Богословская, КПСС тарихи кафедраси мудири, профессор В. Я. Непомнин, тарих фанлари доктори В. И. Богдасаров ва бошқалар тарихий асарларнинг аҳамиятга эга бўлган бу икки муҳим асарнинг совет кишилари жасорати ва қаҳрамонлигини кўрсатувчи, халқнинг бунёдкорлик меҳнати ҳақида ҳикоя қилувчи китоб эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» асарлари совет кишиларининг Ватанга бўлган муҳаббатини оширади, халқлар ўртасидаги интернационал дўстликни ва ҳамкорликни мустаҳкамлайди. Сўзга чиққанлар бу асарларнинг тинчлик ва коммунизм учун курашга илҳомлантирувчи қудратли партиявий ва тарихий ҳужжат эканлигини ҳам ўқтириб ўтишди.

Ш. ҚУШОҚОВА.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

Тошкент оқшоми хатлар



Сиз ҳаваснор фотомухбир Х. Шодиевнинг турли мавзудаги ранг-баранг суратлари билан яқиндан танишасиз. Унинг редакциямизга йўллаган мана бу фотолавҳасида пойтахтдаги В. И. Ленин номли республика пионер ва ўқувчилари саройи қатнашчилари ҳаётидан бир лавҳа тасвирланган. «Пионер ателъеси» тўгараги раҳбари Н. Ундерова тўгарак аъзолари билан машғулот олиб боряпти. Саройдаги мавжуд 40 дан ортиқ клуб ва тўгараклар доимо ўқувчилар хизматида.

Янгилик! Хабарингиз борми?

УЛКАН ДОРИХОНА БИТДИ

Охунбобоев номли майдонда қад кўтарган шаҳар марказий ўқув ишлаб чиқариш дорихонасини қуриш ишлари тугалланди. У уч қаватдан иборат бўлиб, унинг биринчи қаватида савдо зали жойлашади. Бу ерда марказий справкалар бўлими ҳам ташкил этилади. Савдо залининг ўртасида четлари гранит ва мармардан ишланган гулзор ташкил қилинган, унинг ёнидаги аквариум залга ҳуси қўшиб туради. Гулзорнинг пештоқида ганч ўймакорлик санъатининг намуналари ўрин олган. Залнинг тилган. Учинчи қаватда фармацевтика саноатининг ривожланиши ҳақида музей ташкил этилган. Дорихонадаги барча мебелларни Польша мебелсозлари ҳамда Болгария медицина экспорти фирмалари етказиб беришган.

Олий категорияли дорихонада 130 дан зиёд ходим меҳнат қилади. Бу ерда йилига бир миллион сўмлик дори-дармон реализация қилинди.

Вино «Главташкентстрой»га қарашли Меҳнат Қизил Байроқ орденли 159-қурилиш трести 13-қурилиш бошқармасининг бинокорлари томонидан бунёд этилган. Қурилишда бетончилар Ҳамид Раҳматуллаев ва Абдулла Ибодуллаев, гишт терувчи Отабек Қиличев ва монтажчи Александр Савельевлар жонбозлик кўрсатдилар.

Жилокорлик ишларини Пардозлаш трестига қарашли 28-қурилиш бошқармасининг Феликс Цой ва Содиқ Охунжонов бошчилигидаги жилокорлари амалга оширишди.

Ш. ҲИДОЯТОВ,
М. АБДУЛЛАЕВ.

Тошкент марказий телеграфи доимо одамлар билан гавжум. Бу ерда ўз касбининг устаси бўлган нўплаб телеграфчилар ишлашади. Улар ҳамиша эзга намуналн хизмат кўрсатишдан бахтиёрдирлар. Фотомухбир М. Маликовнинг диққатингизга ҳавола этилаётган ушбу фотолавҳасида телеграфнинг 1 класслн зарбдор телеграфчилари Луиза Бахтиева (чапда) ва Озода Йўлдошеваларни кўриб турибсиз. Бу меҳнат илғорлари беш йиллик план-топшириқла р и н и тўрт йилда бажаришга аҳд қилишган.

ГАЗЕТХОН ХАБАР БЕРАДИ...

ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ

Акмал Икромов районидаги Мичурин номли 81-ўрта мактабда қизиқарли адабий кечалар тез-тез ўтказиб турилади. Куни-кеча бу ерда «Гулхан» журнали ходимлари билан мактаб ўқувчиларининг учрашуви бўлиб ўтди. Адабиёт ўқитувчиси Эргаш Ҳасанов журнал ўз ўқувчиларини ранг-баранг материаллар билан ҳурсанд қилаётганини гапирди. «Гулхан» журналининг редактори, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, ёзувчи Ҳудойберди Тўхтабоев журналнинг фаолияти, келгусидаги режалари ҳақида сўзлаб берди.

Учрашувда мактаб директори, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи С. Саидаҳмедов «Гулхан» журналининг коллективига шарафли ишларида муваффақиятлар тилади.

О. САЙДАМИНОВ,
ўқитувчи.

ЮКСАК АҲДГА МУВОФИҚ

Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли уйжой қуриш трестининг уйсозлари, монтажчилари, бетончилари ҳам саноатимизнинг муҳим хом ашёси — металлни тежашга алоҳида эътибор беришмоқда.

Коллективимиз йил бошидан буён 20 тоннадан зиёд металл тежади. Бунга 3-йирик панелли уйсозлик заводи, «Ташпросстрой»ва монтаж бошқармаларининг коллективлари катта улуш қўшишди, — дейди трест ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи Илёс Каримович Файзиев. — Беш йилликнинг учинчи йилида 81 тонна металл иқтисод қиламиз.

Н. ҚОДИРОВ.

◆ ЯХШИ АНЪАНАЛАРИМИЗ

МАРОҚЛИ КЕЧА

Собир Раҳимов районидаги Куйбишев номли 1-мактабда ёш авлодни кўп йилларидан бери коммунистик руҳда тарбиялаётган устоз - муаллимларни шарафловчи кеча бўлиб ўтди. Мактаб зали ўқувчилар, ота-оналар, меҳмонлар билан гавжум. Адабиёт муаллимлари: Бекзода Баҳодирова, Яҳё Аҳмедов, Наҳим Расулов, Каромат Дадамуҳамедова, география ўқитувчиси Субҳиддин Орифхўжаев, рус тили ўқитувчиси Лабиба Содиқова, бошлангич синф ўқитувчиси Ҳаётхон Хонхўжаева ва ҳарбий таълим ўқитувчиси В. Пивоваров шаънига илиқ сўзлар айтилди.

Кечани очган педагог Собир Алимов юбилярлар ҳақида тўлиқланиб гапирди. Инсон қалбига одоб-ахлоқ, меҳр-муҳаббат, қадр-қиймат уруғини экиб, етук инсонлар богини яратувчи муаллимларнинг заҳматкаш меҳнатларини таҳсинга лойиқ. Неча-неча минг ўқувчини мустақил ҳаёт йўлига кузатувчи муаллим ҳар бир ўқувчисининг ҳалётда ўз ўрнини топишини чин дилдан истайди. Кечада Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, мактаб ташкилотчиларидан бири Х. Юсупова, М. Юсупова, М. Аснмов ва бошқалар қатнашдилар. Юбилярларни мактаб коллективи ва меҳмонлар муборакбод этдилар.

Н. УБАИДУЛЛАЕВА.

... МАҚТАЙДИ ...

ЯНГИЧА АНЪАНАЛАР — ҲАЁТГА

Собир Раҳимов районидаги «Янги Тошкент» маҳалласида ободончилик, янгича анъаналарни ҳаётга тадбиқ этиш, ёш ўсмирларни тарбиялаш, туй маросимларини ихчам ва чиройли ўтказиш, эскилик сарқитларига, айниқса ичкиликбозликка муросасиз кураш олиб борнш масалаларига катта аҳамият берилмоқда. Маҳалла комитетининг идораси яхши жиҳозланган, комитетнинг йиллик иш плани, маҳалла дружина советининг, хотин-қизлар советининг, оқсоқоллар советининг, ревизия комиссиясининг иш планлари яхшилаб дид билан деворга осиб қўйилган.

Маҳалла дружина советида 34 нафар ёш йигитлар, комсомоллар маҳалла осойишталигини таъминлашда милиция органларига яқиндан ердам бермоқдалар. Яқинда маҳалла комитети раиси «Бидим» жамияти ва маданият уйи билан ҳамкорликда «Жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш — умумхалқ вазифаси» деган темада суҳбат уюштирди. Унда суд ва прокуратура вакиллари, жамоат активлари сўзладилар. Кечада 200 дан ортиқ киши қатнашди. Айниқса, ёш ўсмирлар орасида тарбиявий ишларни кучайтириш, бу соҳада маҳалла аҳолисининг биргаликдаги ҳаракати муҳим эканлиги тўғрисида қимматли фикрлар айтилди.

М. КАМОЛОВ,
жамоатчи мухбир.

Назарали нега ҳамкулаксиз, кулаяпти?

хижолатда қолди?

Бир кун аввал Назарали ишхонасидаги дўстлари билан ҳамкасблари Қодиржоннинг уйига эрта билан етиб боришга ваъдалашиб қўйган эди. Чин дўст шундай кезда билинади-да. Қодиржон эр ўр орзу-умидлар билан элга ош беряпти деган эди. Шундай пайтларда ёру биродарлари унинг ёнида туриб оғирини енгил қилса, қандай яхши. Лекин Назарали айтилган жойга анча кечикиб борди. Бунинг ҳаммасига асосий сабабчи водопровод бўлди...

Эрталаб у апил-тапил ўрнидан турди-ю, югуриб водопровод кранини буради. Хайрият, кечаси билан сув тўпланиб қолган эканми, крандан жилдираб сув кела бошлади. У юзига иштаҳа билан совун суриб яна водопровод кранини буради. Лекин энди сувнинг ўрнига крандан ҳуштак овози эшитилди: Шу пайтдаги Назаралининг ҳолини нўв олдингизга бир келтиринг-а. У жаҳл билан кичик ўғли Низомжонни чақирди.

— Ўғлим, югуриб қўшнимиз Эргаш аканикига чиқчи, иложи бўлса, битта пақирни кўтариб ол. Уларникидан сув олиб чиқасан.

Низомжон югурганча қўшниларникига чиқиб кетди. Лекин у ердан ҳомуш бўлиб қайтди. Шу пайтгача Назарали кўзини очолмай водопровод олдида қаққайиб турарди.

— Дадачи, дада, сувларникида ҳам сув йўқ экан. Пақирни бўш олиб чиқдим, — деди Низомжон Назаралига қараб.

Ота-боланинг гапини эшитган Карима опа уйдан югуриб чиқди-ю, аҳволни тушунди. Кеча кечкурун эрталабки чойга мўлжаллаб, идишга солиб қўйган сувни Назаралининг юзига қуйиб юборди. Шошилиб артингач, кўчага чиққан Назарали дуч келган машинага қўл кўтарар, машиналар ҳам аксига ғизиллаб ўтиб кетаверар эди.

У дўстлари олдига келганида шўхроқ оғайниларидан бири Даминжон дўстига пичинг гап қилди:

— Шу Назаралини фақат уйқуга чиқарган-да, бир соатдан бери сени кутамиз-а, э, яшавор, азамат.

Назарали дўстлари олдида хижолат бўлиб ҳеч нарса демади. Чунки уйларида сув йўқлигини айтса, барибир ҳеч ким ишонмайди. Улар Қодиржоннинг ўйнига келиши боплаб хизмат қилишди. Лекин шу куни ишдаги дўстлари кун бўйи унинг эрталаб кечикиб келганини юзига солишди.

Бу воқеани балки айрим кишилар шунчаки айтилган бир гап, лоф бўлса керак, деб ўйлаши мумкин. Лекин у ҳақиқатнинг айни ўзгинасидир. Биргина Назарали эмас, балки шаҳримизнинг Собир Раҳимов район Қизилқўшин кўчасида истиқомат қилувчи жуда кўпгина аҳоли ҳам шу куни Назаралидек дўстларига ваъда бериб қўйганида, улар ҳам хижолат бўлиб қолиши аниқ эди. Бу кўчада истиқомат қилувчи аҳоли водопроводларда сувларнинг тез-тез бўлмай қолаётганлигидан жуда қийналишмоқда. Айниқса, ёз кезлари бу ерда сув анқонинг уруғи бўлиб қолади.

Редакцияга шу кўчада истиқомат қилувчи бир группа оқшомхонлар шикоят хати йўллашибди.

«Бутун кўча, аҳолисининг тез-тез челак кўтариб, кўчаларни тўлдириб сув излаб юрганига балки ишонмассиз, деб ёзишибди улар. Лекин аслида шундай. Бизнинг кўчада истиқомат қилувчи аҳоли кўп вақтини сувли водопроводларни қидириш билан ўтказмоқда. Бирмадиқ қачонгача биз челак кўтариб кўчамакўча сув излаб юрамиз».

Чиндан ҳам бу кўчада истиқомат қилувчи аҳолининг шикоятида жон бор. «Водоканал» тресги Қизилқўшин кўчасида истиқомат қилувчи аҳолининг бу ҳақли эътирозларига қулоқ солиши, уларни мўл-кўл сув билан таъминлаш чораларини кўриши керак. Ана шунда биз юқорида номини тилга олган Назаралига ўхшаган кишилар дўстлари олдида хижолат бўлиб қолишмайди. Ҳамма сув таъминоти билан шуғулланувчи идорага шикоят хати эмас, балки раҳмат айтилган мактублар йўллайди.

ҲУШЕРБЕК.

БУГУН

52 хонадон учун

Тошкент 1-уйсозлик комбинати 27-қурилиш бошқармасининг Раҳим Ниёзов бошлиқ комплекс бригадаси коллективи Тюльпан кўчасида 52 хонадонга мўлжалланган турар жой биносининг барча қурилиш-монтаж ишларини тугаллашди.

9 қаватли бу турар жой биносининг пардоз ишларини 1-уйсозлик комбинати бинончи пардоз ишлари бошқармаси жилокорлари амалга оширишган.



Шаҳримиз тобора ҳусн очиб бормоқда. Янгидан янги проспект ва кварталлар ташкил этмоқда. Маданий-маиший ва турар-жой бинолари қад кўтармоқда.

СУРАТДА: Ленин кўчаси манзараси.

Қ. Исоқов фотоси.

◆ ХАТЛАРИНГИЗНИ, ШАРҲЛАЙМИЗ

ТАЛАБ ҚОНДИРИЛДИ

Бешқайрагоч массивида кейинги йилларда қатор-қатор тўққиз қаватли бинолар билан бирга бир қанча коттежлар қурилиб фойдаланишга топширилди. Бундан уч йил муқаддам ана шу уйлар қаторида ёзги кинотеатр бинoси қурилиши ҳам бошлаб юборилган эди. Лекин афсуски бу ёзги кинотеатр қурилиши ҳалигача тугалланган йўқ. Бу кинотеатр қачон фойдаланишга топширилади?

Массив аҳолиси номидан: Л. ҲАМИДОВ.

Газетхон хатини Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети кинолаштириш бошқармасининг бошлиғи Қиём Хўжаевич ДОНИЕРОВ шундай шарҳлайди:

— Ҳақиқатан Бешқайрагоч массивида бундан уч йил муқаддам ёзги кинотеатр қурилиши бошлаб юборилган эди. Бу объект қурувчилар айби билан ҳалигача чўзиб келинмоқда. Яқинда Акмал Икромов район ижроия комитети раҳбарлари билан ана шу ҳақда суҳбат бўлиб ўтди. Қурувчилар бу 400 ўринли ёзги кинотеатрни бу йилги мавсумда топширишга аҳд қилишди. Ҳадемай ёзги кинотеатр қурилишидаги ишлар бошлаб юборилади ва ниҳоясига етказилади.

... ТАНҚИД ҚИЛАДИ

ҚАРОВСИЗ КЎЧА

Қорасарой кўчасидаги Ҳамза кўчасига бурилсангиз қадамингизда чуқурларга дуч келасиз. Кўчанинг Калинин майдонигача бўлган оралиғидаги масофа ремонт талаб бўлиб ётибди. Собир Раҳимов район ободонлаштириш бошқармасидагилар бу кўчанинг ремонтига қачон эътибор беришади?

С. ҲУЖАЕВ, Р. ҚОДИРОВ, Б. ХОЛХЎЖАЕВ, Г. ИКРОМОВА ва бошқалар.

◆ РЕДАКЦИЯГА ХАТ

НОМИГА НОМУНОСИБ

Октябрь районидаги «Ободон» маҳалласи илгарилари исми-жисмига монанд сердарахт, обод маҳалла эди. Ариқлардан жилдираб сув оқиб турарди. Кейинчалик маҳалладан файз кетди. Мана, саккиз йилдан буён ариқлардан сув оқмайди. Бунинг натижасида маҳалла кўчаларидаги ёнғоқ ва бошқа кўплаб мевали, манзарали дарахтлар қуриб қолмоқда.

Шуни айтиш керакки, ёз ойларида маҳалладаги водопроводларнинг кўпчилигидан сув келмай қолади. Шу маҳаллада яшовчи Аҳбор ота Абдуроев беш йил бурун «Водоканал» трестига ариза бериб, водопровод қуриб беришни илтимос қилган эди. Аммо беш йилдан буён отахон ишини битказа олмай сарсон бўлмоқда.

Хўш, Октябрь район ижроия комитети ва «Водоканал» трести раҳбарлари бунга нима дер эканлар? Ахир маҳалла кўчаларидан илгаригидек сув оқишини таъминлаш, водопроводларни яхшилаш бу ташкилотларнинг асосий вазифаси-ку!

А. НАБИХЎЖАЕВ,
жамоатчи мухбир.

• ЛУҚМА

СУВ БЕРМАЙДИГАН АВТОМАТЛАР

Заводлардан ярқираб чиқаётган газ сув автоматларининг «тенкинҳўр» бўлиб қолганидан хабарингиз борми? Агар ишонмасангиз Ленин районидаги Сариқўл кўчасида батартиб ўрнатилган автоматларга чанг ташлаб кўринг. Минг марта танга ташласангиз ҳам бир қултум сув ичолмай хунобингиз ошганда, чўлланганингизча қолаверасиз.

16 май куни шу кўчадаги газ сув автоматларига, шунингдек вокзал биносидаги автоматларга танга ташлаб сув ичолмадик. Райондаги кўкат бозори, С. Раҳимов районидаги Келес автостанцияси ва бошқа кўплаб жойлардаги автоматлар ҳам танга олиб сув бермайдиган бўлиб қолган. Шунисн ажабланарлики, бу автоматлар фақатгина бир кун эмас, ҳар куни бузилаверади.

Ёз келиб жазирама иссиқ кунлар бошланяпти. Тошкентдек шаҳри азимда кишилар асабини бузадиган бу автоматларни тузатадиган бирор мутасадди топилмасмикан? Балки «Ташлимводторг» раҳбарлари бу ҳақда ўйлаб кўришар. Ахир танга олиб сув бермасдан одамларни ранжитаётган сой-саноқсиз автоматларга шу ташкилот хизмат кўрсатади-да!

Ю. БАҲОДИРОВ,
журналист.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

В. СОЛИЖОНОВ: Менга санаторий-курортга даволаниш учун бериладиган отпускалар хусусида маълумот берсангиз.

Жавоб: Санаторий-курортда даволаниш учун муолажанинг бутун муддатига ва санаторийга бориб келиш вақтида отпуск берилади, лекин страхование қилинган кишининг навбатдаги ва қўшимча отпусклари ҳам ҳисобга олинади. Навбатдаги ва қўшимча отпусклар етмаган тақдирда қуйидаги ҳолларда: агар санаторий-курортда даволаниши зарурлиги даволовчи врач томонидан бўлим мудири билан биргаликда ёки бош врач билан биргаликда белгиланган бўлса, башарти йўлланма фабрика, завод маҳаллий комитетидан социал страхование ҳисобига текинга ёки қийматининг 30 процентини тўлатиб берилган бўлсагина зарур кунлар учун унга касаллик варақаси берилади.

Ишчи ва хизматчиларнинг фабрика, завод маҳаллий комитетидан социал страхование ҳисобига текинга ёки қийматининг 30 процентини тўлаб олинган йўлланмалар билан курорт амбулаторияси орқали даволанишга ҳам юқорида белгиланган тартибда касаллик варақаси берилади.

* * *

С. СОҚИЕВ: Мен бошқа шаҳарга кўчиб ўтганлигим учун иш жойимни ўзгартирган эдим. Йўлда касаба союз билетимни ва бошқа касаба союз ҳужжатларимни йўқотиб қўйдим. Янги иш жойимда менинг қайтадан касаба союзга киришим кераклигини айтишяпти. Касаба союзларига аъзоликни қайта тиклаш мумкинми?

Жавоб: Касаба союз аъзоси бошқа ишга ўтаётганда унга касаба союзга аъзолиги тўғрисидаги ҳужжатларнинг ҳаммаси қайтариб берилади. Агарда касаба союз аъзоси бу ҳужжатларини йўқотиб қўйса, дарров аввалги иш жойидаги касаба союз ташкилотига хат ёзиб унинг ҳақиқатан ҳам касаба союзга аъзо бўлганлиги тўғрисида справка ёзиб юборишларини илтимос қилиши керак. Касаба союз комитети раисининг имзоси ва муҳри бўлган справкага асосан янги иш жойидаги касаба союз комитети ўз мажлисида Сизга янги касаба союз аъзолиги билети ва касаба союз ҳужжатларини бериш масаласини муҳокама қилади.

* * *

Ш. АБДУЛЛАЕВ: Мамлакатимизда неча тонна қоғоз ишлаб чиқарилади?

Жавоб: Совет Иттифоқининг қоғоз ишлаб чиқариш саноати ҳар йили беш миллион тоннадан зиёд қоғоз ва уч миллион тоннага яқин картон ишлаб чиқаради. Бу маҳсулотларнинг кўпи турли адабиётлар, мактаб ўқувчилари учун дарсликлар, вақтли матбуот турларини нашр этиш ва бошқа кўплаб мақсадларда фойдаланилади. Фақат ВЦСПС нашри «Труд» газетасини босиб чиқариш учун бир кунда 247 тонна қоғоз сарфланади.

КЎЧА ТАФОНФААРГА ТЎЛА ГАИ АХБОРОТИ

Тошкент политехника институти талабалари бўлимининг студенти Иосиф Бабинскийга йўл-транспорт ҳодисасига сабаб бўлиш учун бир неча метр юриш имкони берилди. У Мукимий кўчасида трамвайдан тушгандан кейин пиёдалар ўтиш учун мўлжалланган жойдан эмас, балки кўчанинг серҳаракат қисмидан нариги томонга ўта бошлади. Оқибат пайти бўлганлиги учун 84—34 СНЖ рақамли «ВАЗ — 2101» автомобилининг ҳайдовчиси бирданига йўлда пайдо бўлиб қолган И. Бабинскийни кўрмай қолди. Натижада...

И. Бабинский миясини қалқиган ва бош мия чаноғининг бир неча жойи жароҳатланган ҳолда тез ёрдам кўрсатиш клиник касалхонасининг травматология бўлимига келтирилди.

Барот БОЙҚОБИЛОВ,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

ТУТАШ ДЕНГИЗЛАР

(ШУ НОМЛИ ТУРКУМДАН)

МАРМАР ДЕНГИЗИ МОНОЛОГИ

Мен мармарман денгизлар аро
Кўрк олганман само рангидан.
Ой сузганда юлдузлар аро
Тугилганман қуёш, ер билан.
Шундан буён ҳаёт тўлқини
Бериб турар таниғма дармон.
Атагунча Мармар деб мени
Миллион йиллар яшади инсон.
Икки қитъа тупроғини ўпиб,
Бино қилдим мармар қасрлар.
Жанги жадал уруғини сепиб,
Нола қилди менга асрлар.
Эгей билан Қора денгизга
Дардим сўйлар Дарданель,
Босфор,
Канча яқин бўлмайин кўзга.
Юрагимда маним ҳам дард бор.
Асар қолмай мармарлигимдан
Бўлмасдадир юзларим қаро.
Бир вақтдаги гавҳарлигимдан
Бугун маним кўкрагим яро.
Истаганда кўтариб тўфон
Кемаларни яксон этурман.
Гар мен билан олишса инсон
Наҳангларга эксон этурман.
Тоғу тошни тубдан қўпориб,
Зирқиратиб қўйгум заминни.
Керак бўлса, ер магзини ёриб,
Олов билан сийлайман сени.
Лек қудратли бўлмай навқирдар
Инсон олди шохимни эгиб.
Тошларимдан қурган бинолар
Турмушбди савлатин тўкиб,
Шунинг учун эй, азиз сайёҳ,
Мен топиндим пойингга бугун.
Тинчлигимга ўзинган гувоҳ,
Мармар денгиз бўлганим учун!

ЮНОНИСТОНГА

Салом сенга, Юнонистон,
Аристотель макони!
Келди ошиб бешта уммон
Навоийнинг ўғлони!
Эй, илму фан бешигини
Тебратган қадим макон.
Эй, тарихнинг эшигини
Ланг очган дарвозабон,
Сафоклининг уйини кўрсат,
Шоҳ Эдипдан сўрай ҳол!
Гераклнинг тилин ўргат,
Боқмай мисли мажнунтол.
Эсхил менга Акрополда
Уқиб берсин бир асар,
Орфей билан бир тулпорда
Коринфга айлай сафар,
Эпикурнинг қўлин ўпиб,
Сўйлаб берай Гомердан,
«Илиада» мадҳин кўриб,
Шод бўлсин Миртемқрдан.
Гомер руҳи қайда яшар,
Қайдадир «Одиссея»,
Бугун унга гулдан чамбар
Олиб келди Осиё.
Борган эди қилич тутиб,
Самарқандга Искандар,
Қайтди лекин шароб ютиб,
Афросиёб солғач жар.
Лек мен эса Юнонистон,
Сенга келдим бўлиб сайёҳ.
Қиличимдан томмайди қон,
Юрагимгда инграмас оҳ,
Акрополдан боқдим сенга,
Тогдай тутиб кўкрагимни.
Дарё бўлиб оқдим сенга,
Машъал айлаб юрагимни.
Сочиб турса қалбим ёғду,
Сени этгум гўзал достон,
Билма сира ғам ва қайғу,
Гомер юрти— Юнонистон!

БОСФОРГА

Яна келдим сенга, Босфор
Очгил жоним қучоғингни,
Табиатга бермай озор,
Тутгил менга дудоғингни.
Қучай сени ошиқона,
Қўлларимни айлаб камар.
Бўса олай қона-қона,
Бошларингдан сочиб гавҳар.
Билласанми, маним, Босфор
Бир дард қийнар юрагимни.
Сенга қилмай уни ошкор,
Истамбулдан излай кимни!
Сендан ўзга ҳеч ким маним
Тушунмагай дардларимга,
Кўп бўлса ҳам ўтда таним,
Қулоқ солмас оҳ-зоримга,
Бир ой бўлди кетганимга
Ватанимдан узоқларга,
Сендан илк бор ўтганимга,
Мафтун боқиб қирғоқларга.
Шундан бери соғинч қушин
Юрагимда чекар фиғон.
Бир санамдир кўрган тушн,
Ҳажрида мен тупурдим қон.
Ул яшайди сендан йироқ,
Бағри тоза қайғу-ғамдан.
Эслармикан мени бироқ,
Шод бўлса ҳам бу оламдан
Насимнигга айтгил, Босфор,
Кўнглин сўраб, қайтсин тезроқ.
Гар соғинган бўлса дилдор,
Берсин майли бир сиқим хок.
Кўзга суртиб, жон деб ўпай,
Озор бермай ҳаёлнга.
Йўлларига дурдай сепай,
Етказгани деб висолига.
Тошкентда ул кезар ҳандон,
Мен ёт элда мусофирман.
Сен бўлма кўп фидойижон,
Барибир мен муҳожирман.
Бир кун қолди, топар поён
Жаҳонгашта муҳожирлик.
Ўз элимда бермас нишон
Ғавғоли бу мусофирлик.
Бир кун қолди, сен руҳимга
Қанот бергил, қилсин парвоз,
Шавқ бўлгину шукуҳимга,
Соғинчимни қил сарафроз,
Қанча ишва, ғамзаларга
Кўп бўлмасдан қайтаяпман,
Ботмай гаму ғуссаларга,
Сенга дардим айтаяпман.
Мушкулимни қилиб осон,
Ёримга айт, борлигимни.
Билим қўйсин ҳатто уммон,
Висолига зорлигимни.
Билсанг, ундан гўзал санам
Топилмагай бу дунёдан.
Ҳатто осмон мендек бир дам
Ажралмагай Сурайёдан.

Истамбул.

КИТОБ ДЎСТЛАРИ

Хивада истиқомат қилаётган 78 ёшли Юсуф Тошпўлатовнинг шахсий кутубхонасидан бир мингдан кўпроқ киши доимо фойдаланмоқда. Унинг кутубхонасида 10 минг том миқдорида интимоий-сиёсий, бадиий, илмий-оммабоп адабиёт, шунингдек турли газета ва журналлар бор. Мактаб ўқувчилари, ёш ишчилар кутубхонага айниқса тез-тез келиб турадилар.

—Революцияга қадар,— деб ҳикоя қилади Юсуф Тошпўлатов ўлкамизда савод чиқариш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Мен революционерларнинг яширин йиғилишларида ўқишни ўрганиб олдим. «Искра», «Правда» газеталари, Ленининг асарлари эса менинг учун алифбе бўлди. Дастлабки беш йилликларнинг қурилишларида меҳнат қилдим. Колхоз ва совхозлар ташкил этишда кўмаклашдим. Китоб менинг учун ва менинг дўстларим учун сахий дўст ва ёрдамчи бўлиб қолди. Мен бу китобларни узоқ йиллар давомида тўплаб дим. 1962 йилда пенсияга чиққанимдан кейин эса ҳамма учун кутубхона очдим.

Юсуф Тошпўлатов ўз китоблари туфайли мамлакатнинг кўпгина шаҳарларида юзлаб дўстлар орттирди. Унга Архангельск ва Ашхободдан, Владивосток ва Брестдан, бошқа шаҳарлардан хат ёзишади. Кутубхона фондини китобхонларнинг ўзлари доимо тўлдиришмоқда: одамлар Юсуф бобога яхшилиги ва сахийлиги учун унга ўз китобларини туҳфа қиладилар. Чунки улар бу ерда ана шу китоблар ҳамиша ўз китобхонларини топишини ва албатта наф келтиришини яхши биладилар.

В. ЧЕРНИШЕВ,
ЎзТАГ мухбири.



Узбекистон геологлари республика халқ хўжалиги ва фани тараққиётига ўзларининг самарали улушларини қўшиб келишмоқда. Улар томонидан саноатимиз учун жуда муҳим бўлган жуда кўплаб фойдали қазилмалар излаб топилди.

СУРАТДА: Узбекистон Фанлар академияси геология ва геофизика институти геофизика лабораториясида, Геология-минерология фанлари кандидатлари В. А. Пан ва Х. И. Юсуфхўжаевлар иш устида.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЁТИ ТАРИХИ

Узбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиалининг Н. Давқараев номидаги тил ва адабиёт тарихи институти олимлари икки томлик «Қорақалпоқ совет адабиёти тарихи» китобини машрга тайёрладилар.

Филологлар илмий асарда Октябрь революцияси туфайли дунёга келган миллий адабиётнинг тарихий ривожланиш йўлини умумлаштирдилар, кўп миллатли совет адабиётининг ажралмас қисми бўлган қорақалпоқ адабиёти ривожининг умумий қонуниятларини очиб бердилар.

БОЛГАРИЯГА БАҒИШЛАБ

Бухородаги ўлкашунослик музейида Совет — Болгария дўстлигига бағишланган катта экспозиция очилди. Сонсаноқсиз фотосуратлар, китоблар, макетлар қардош республикада халқ хокимияти йиллари мобайнида саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданиятнинг ривожи тўғрисида, ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик мустаҳкамланаётганлиги тўғрисида ҳикоя қилади. Махсус стенд Бухорода, Газлида ва Зарафшон водийсининг бошқа шаҳарларида уй-жойлар, маданий-оқартув муассасалари қуришда Болгария мутахассисларининг иштирокини акс эттиради.

[ЎзТАГ].

Абу ТОҲИРҲОЖА.

САМАРИЯ

ҚАДИМИЙ ҚЎЛЕЗМАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

Кўплаб оқшомхонлар редакцияга йўллаган хатларида газетамизнинг шу йил 25 апрель сонида босилган «Самария» асарини қизиқиб ўқишганини ёзишган. Улар ўз хатларида қадимда Самарқандининг табиати, об-ҳавоси, ўсимликлари, дарё ва булоқлари, географияси қандай бўлганлиги, бу ҳақда «Самария»да қандай маълумотлар борлигини сўрашибди. Оқшомхонларнинг илтимосига кўра шу асар дан парча ёритамиз.

ТЎРТ ФАСЛДА БУ ШАҲАРНИНГ ОБ-ҲАВОСИ

Бу шаҳарнинг ҳавоси яхши ва мўътадил, оғирлик ва касалликка сира сабаб бўлмас. Баҳор фаслида бу шаҳар гўзалликда жаннатнинг бир намунасидир. Шунинг учун ҳам уни «Самарқанди фирдавсмонанд», яъни «Жаннатга ўхшаш Самарқанд» деб атайдилар. Ҳар даштининг юзидан жаннат кўринади ва улар даласидан эрам боғи намоён бўлади. Ҳар тоғининг этагида минг турли гуллар тўфони мавж урмоқда ва ҳар сахросининг бурчагида кўмкўк юз тур сабза ва райҳонлар қўйнидан беҳишт боғларини кўрсатиб турибди. Ёз фаслида бу шаҳарнинг ҳавоси иссиқ... Ҳар томондан кўп гул очиладиган шамоллар ва хурсандликни орттирувчи саболар эсиб, руҳга роҳат бағишлайди ва танни тоза қилади. Куз фаслида бу шаҳарнинг ҳавоси бир оз совуқроқ бўлади. Шаҳарнинг шарқ тарафидаги тоғдан бир неча кунда бир бор кучли шамол эсиб туради. Шаҳарнинг қиш фасли кўпинча совуқ бўлади, баъзи йилларн қор уч қаричгача ёғади...

Шаҳар халқи қаттиқ ҳулқлик, гала-гулачи ва лофчидир. Унинг атрофидаги туркдар ботир, ўктам ва урушқоқдир.

Бу шаҳарда мевалардан: қовун, тарвуз, ўрик, шафтоли, бухоро олуси, олуболу, гурда олу, анжир, гилос, мурул, ношоти, нок, дилафрўз, бехи, ёнғоқ, бир неча нав узум, дўлана ва бошқа турли мевалар кўп..

Хўшбўй ўсимликлардан болиғу (боринғнинг бир тури), занжабил, қизил қалампўр, кашнир, шибит, райҳон, бодиён, рум бодиёни, зира, палар арусак (пардайи арусак) ва бошқалар ўсади.

Ҳовли ва боғларда экилиб етиштириладиган хушбўй гулларлан: қизил гул (уки вард ҳам дейдилар), гули настарин, гули насрин, аргувон, лолайи нўъмон кўк, қизил ва оқ бинафша, қизил, оқ нофармон ва кўк гули кошғарий, сариқ, оқ, нофармон ва кўк гули довудий, қизил ва оқ гули чиний, оқ, қизил ва нофармон гули шаббўй, қизил, оқ ва сариқ гули нозирий, ҳарам, савсан, гули раъно, гули зебо, якранг ва садбарг, оқ ва қизил гули хинойи, оқ қизил ва қора гули хайрий, оқ ва қизил гули тутма, гули бўстон афрўз, гули ҳамиша баҳор, ошиқи печон (чирмовуқ севгувчи), ошиқи мисконий, гули аргувон, зулфи ҳубон, гули нофармон, гули жаъфарий ва бошқа кўркам ҳамда кўнгил очадиган гуллар етишиб очилади.

Дори ўтлардан: косний (косайи най), шотара, баранжосиф, гавзабон (ҳўкиз тил), атри ҳилол, испанох (испанаж), игир, шайтарж совриижон, бодиижон (бойимжон), окир қаро, пудина (ялпиз ва хулбўй), жувоний, хорхасак (хори ғелак, хори ғелон, хори мағелон), кабар (кавар), испанд (ҳазориспанд, тутатқи, исириқ, қилпчи, мухласа, суриижон, муассафар (кочира), баклат ул-ҳамҳо (ахмақдона), ит узуми, унноби (жилон жийда) ва бошқалар ушбу шаҳар ва унинг теварагида етишади.

Ғалла ва дуккакларлан буғдой, арпа, жугари, тариқ, қўноқ, мош, шоли, зигир, кунжит, нахўд, лўбиё, ндав, бурчоқ ва бангидона ўсади. Аммо, пахтани бу вилоятда кам экадилар.

Ош ва таомни ислоҳ қилувчилардан: сабзи (кашир), пиёз, шалғам, карам, турп ва лаблабу шаҳарда яхши етишади.

Қўнғир, тамаки ва канондона ҳам ўсади.

ЕРИНИНГ ҲОЛАТИ ВА ТЕВАРАГИНИНГ КУРИНИШИ ТЎҒРИСИДА

Самарқандининг шарқ, шимол ва жануб тоғ-лар билан қуршалган бўлиб, ғарб тарафи очиқдир. Зарафшонким, уни Кўҳак ва Ҳаромком дарёси дейдилар, кунчиқар томондан қунботар сари ушбу вилоят майдонининг ўртасидан оқиб ўтади ва вилоят ерини иккига бўлиб туради. Дарёнинг жануб тарафдаги қисми бошдан-оёқ тепалик ва даштлик бўлиб, жануб тоғига бориб тақалади, шимол тарафдаги қисми пастлик ва сersувдир.

Самарқанд шаҳрининг қалъаси дарёнинг жануб томонидадир. Самарқанд шаҳрининг ташқарисидаги ерлар, ўрни эътибори билан, иккига бўлинади: қунботар томондаги қисми Аҳрор тумони ва кунчиқар тарафдаги қисми Шовдор тумони дейиладн. Дарёнинг шимол томонидаги ерлар ҳам икки қисмга бўлинади. Биринчиси сersув, иккинчиси даштлик. Сersув қисми бошлан оёқ Кўҳак дарёсига туташ бўлиб, у ҳам (ўз навбатида) иккига бўлинади: кунчиқар томондаги бўлакни Суғуди калон тумони, кунботардаги қисмини Офаринкент тумони деб атайдилар. Даштлик ва сувсиз қисми Кобут тумони деб аталади ва бу даштлик бўлак бошлан оёқ шимол тарафдаги тоғларга ёндошдир...

САМАРҚАНД ТЕВАРАГИДАГИ ТОҒЛАР ТЎҒРИСИДА

Жануб томонидаги тоғлар жуда обод бўлиб, унда дарахт кўп ўсади. Мевалардан: олма, писта, олу, дўлана, узум ва ёнғоқ ўша тогда кўпдир, ўсимликлардан: лола, ривоч, гарафш, ябруи, пиёзи ансул, гўрдиё ва эгир бу тогда топилади. Ҳайвонлардан: (ёввойи) тўнғуз, айиқ, бўри, тулки, товушқон, жайра ва шогол бор. Ов қушларидан: кабки дарий (каклик), булдуруқ-қораб а ғ и р (кабки ҳилол) ушбу тогда кўпдир. Бу тогда маъдан ва бошқа қазилмаларнинг борлиги маълум эмас. Лекин, ушбу тоғнинг кунботарида олтин ва кумуш билан шувалгандай ярқироқ бир турли тош бор. Ундан бирон нарсани ажратиб бўлмайди. Уни чақмоқ тош жинсидан дейдилар. Бу тоғнинг жанубийботларидан бир булоқ борким, суви қиш вақтида жуда иссиқ бўлиб, саратон ойида бошдан оёқ музлайди.

Кунчиқар томондаги тоғ ҳам ободдир. Жанубий тоғ билан шарқий тоғ оралиғидан Зарафшон дарёси оқиб чиқади. Дарёнинг ҳар иккала ёқасида халқ уй-жой қилиб ўлтиради. Бу тоғ эли жуда жанжалчи ва лофчи бўлиб, қиёфаси чиройликдир. Жанубий тоғдаги ҳайвонлар, дарахтлар ва гиёҳлар бу тогда ҳам топилади. Кунчиқар тоғнинг устида, (унинг) ўрта белида Искандар қўли деб аталган бир кўл бор. Зарафшон дарёсининг бир манбаъи шу кўл бўлиб, унинг тевараги бир тош (7 километр)дир. Кунчиқар тогида кийик, бугу (гавзан, яъни тоғ сигири), юз (кийик овлайдиган қуш) кўпдир.

Бу вилоятнинг шимол томонидаги тоғ Ҳудини атадади, (шу сабабданким) ислом дини тарқатилаётганда бу тоғ эли ўз маҳаллари билан мусулмон бўлганлар. Мўғуллар истилоси вақтида ушбу тоғ теварагига қалъа солиб. улар билан урушганлар.

Шунинг учун Суғуда колон ва ушбу тоғ теварагидаги ерлар ушрий, яъни мусулмон ҳонлари бу ерларнинг унумидан ўндан бир улуш солик олганлар. Бу тоғларда булоқлар, кўнгил очар жойлар ва роҳат орттирадиган ўринлар кўпдир. Иксир деган бир гиёҳ ҳам бу тоғларда бор...

Кўҳак тоғи Самарқанд шаҳри ва Зарафшон дарёси орасида, шаҳарнинг шимолий томонидадир. Ушбу тоғла дарахтлар ва булоқлар бор. Кўклам палласида ушбу тоғла ва унинг яқинидаги боғларда лола, раъно, қизил ва кўк бинафша ўсади. Гаж кони ҳам ушбу тоғдан топилади. Кумуш. мис ва кўргошин кони бор, лекин киримн чиқимига етишмайди.

БУ ВИЛОЯТДАГИ АРИҚЛАР, ДАРЁЛАР ВА БУЛОҚЛАР

Зарафшон дарёсиким, уни Кўҳак дарёси деб ҳам юритадилар, бошлаб кунчиқар тогларидан чиқиб. унга Искандар қўлининг суви ва Масчоҳ тоғларидан чиқадиган булоқлар қўшилади.

(Сўнг) бошқа сувлар ва булоқлар билан қўшилиб, дарё бўлиб Бухоро ва Қорақўлгача бориб етади. Кўҳак дарёсининг узунлиги 120 тошдир.

Даргом ариғи. Бошқ Кўҳак дарёсидан ажралиб, Самарқанд шаҳрининг ичи ва тошн. Шовдор ва Аҳрор тумонларини суғориб, ортиқчаси (яна) Кўҳак дарёсига қушилади. Шаҳар боғлари ва бўстонлари ушбу ариқдан яшна ва тозадир.

Сиёҳоб (Қорасув) ариғи. Бошлаб бир талай булоқлардан пайдо бўлиб, Коинғилгача оқиб боради. Ўша ерда иккига бўлиниб биринчи бўлаги Кўҳак дарёсига оқиб кетади, иккинчи бўлаги (ўз навбатида) икки шохобгача ажралиб. биринчи шохобчаким, Оби раҳмат аталади, Самарқанд шаҳрининг шимолидаги боғларга: Мотурид, Боғи баланд ва Боғи Майдонга сарф бўлади. Айтишларича, Оби раҳмат ариғини амир Муҳожир Кўҳак тоғининг жануб этагида қазиб оқизгандир. Қутайба Самарқандни олгандан сўнг. мана шу амир Муҳожирни унга ҳоким қилиб тайинлаган эди. (Яна) айтишларича, амир Муҳожир ушбу ариғни қаздираётган вақтда ариқ бошида хазрати Хизр пайдо бўлиб, «Мотуридуў?» («Нима истайсан?») деб сўраган. Амир Муҳожир: «Мовриду» («Сув истайман») деб жавоб берган. Шунинг учун дастлаб ушбу сув билан суғорилган ва обод қилинган жойга «Мотурид» деб ном берилган. Баъзилар ушбу нақлни шайх Абу Мансур Мотуридий ва ҳазрати хожа Хизрга нисбат берадилар. Самарқанд халқининг қадимдан қолган бир одати борким. аҳмм йилининг (куёш йили. Нил боши баҳордан, 21—22 мартдан ҳисобланган — Б. А.) сўнгги душанба оқшомида мазкур ариқ ёқасига йиғилишиб чўмаладилар ва тахорат қиладилар; табаррук ҳисоблаб. унинг сувидан олиб кетадилар.

Яна ҳазрати **хожа Дониёл мазори булоғи.** Сиёҳоб ариғининг ёқасида ва ҳазрати хожа Дониёл мазорининг устидадир. Ушбу булоқнинг суви ҳам қутлуғдир.

Яна **Иссиқ (ва) совуқ булоғи.** Ушбу булоқ Кўҳак тогининг жанубн-шарқий этагида, гаж кони томонидадир. Булоқнинг суви қишда жуда қайноқ, ёзда совуқдир.

Яна **Новадон ариғи.** Ушбу ариқ шаҳар ташқарисидан, жануб томондан чиқиб хожа Аҳрор дарвозаси деб аталган шаҳар дарвозаси ёнидан оқиб, шаҳар ўртасидан ўтиб Сиёҳоб ариғига қуйилади. Баъзилар Самар қоздирган ариқ шу. дейдилар.

Оби Машҳад ариғи. Ушбу ариқ шаҳардан икки мил (5 чақиримча) узоқликдан. жанубий-шарқий тарафдан чиқиб. шаҳар деворн ва Афросиёб қалъаси остидан ўтиб, Сиёҳобга қўшилади. Аббос ўғли Қусам бу ариқ ёқасида шаҳид бўлиб, унинг яқинига кўмилгани сабабли «Машҳад» («Шаҳид бўлган ер») аталган...

Б. АҲМЕДОВ
тайёрлаган.

Жаҳон оинаси

МАРОҚЛИ КИТОБ

СТОКГОЛЬМ. Стокгольмда нашр этиладиган ҳафталик «Нюхеетр фрон совьет унионен» газетаси КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» асарини чоп этди.

Шу эсдаликларнинг швед тилида эълон қилиниши муносабати билан газетанинг бош редактори Свен Сторк бундай деди: Леонид Ильич Брежневнинг китоби — уруш йилларида совет кишиларининг жасоратини кўрсатувчи жонли, гоят таъсирчан далилдир. Газетхонлар бу ҳақда редакциямизга телефон қилиб. мактублар юбормоқдалар. Газетхонлардан бири редакцияга юборган мактубида «уруш йиллари тўғрисида Л. И. Брежневнинг эсдаликларини эълон қилганлигингиз учун самимий ташаккур билдираман. Бу асар Америка ва Англия ёзувчиларининг биз одатда ўқиб юрган уруш тўғрисидаги китобларига сира ўхшамайди», деб таъкидлайди. Леонид Ильич Брежневнинг китобида уруш ҳеч қачон такрорланмаслиги керак деган қатъий талаб асосий мавзу қилиб олинган, дейди С. Сторк.

СОВЕТ—ҲИНДИСТОН ҲАМКОРЛИГИ

ДЕҲЛИ. Алоқа министри Б. Л. Верма Сринагар шаҳрида сўзлаган нутқида Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасида кўп каналли тропосфера радио алоқаси системасини яратиш ишлари тез суръатлар билан олиб боридмоқда деб айтди; Совет Тожикистони пойтахти Душанбе билан Ҳиндистон шимолида жойлашган Чаришариф деган жойда барпо этиладиган қабул қилиш ва узатиш комплекси шу янги системанинг энг асосий қисми бўлади. 1980 йил октябрь ойида ишни тамомила битказиш мўлжалланади.

Фан ва техниканинг турли соҳаларида Совет Иттифоқи билан қилинаётган самарали ҳамкорлик, Ҳиндистон миллий саноатини ривожлантиришга СССР нинг кўшаётган ҳиссаси, деб таъкидлади министр. Ҳиндистоннинг қисқа муддат ичида экономиканинг бир қанча энг замонавий тармоқларида ўзини ўзи таъминлашга эришувига имкон берди.


Дўст мамлакатларимиз ўртасида тропосфера алоқасининг амалга оширилиши, деб уқтириб ўтди Б. Л. Верма. Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасида ҳар икки томон учун манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш йўлида олга қараб қўйилган қадамдир.

ТАРАҚҚИЁТ ВА ДЕМОКРАТИЯ УЧУН

ҚОВУЛ. Афғонистон Демократик Республикаси революцион кенгашининг раиси, бош министр Нурмуҳаммад Тараки Ҳиндистонда чиқадиган «Каррент» газетасининг мухбири билан суҳбатда бундай деди: Афғонистоннинг Совет Иттифоқи билан муносабатлари яхши бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Бу муносабатлар иқтисодий соҳада ҳам, сиёсий соҳада ҳам ривожланаверади.

Афғонистон Халқ Демократик партияси ички сиёсат соҳасида, деди бош министр, мамлакатда социал-иқтисодий ўзгартишларни тезроқ амалга оширишга, ҳусусан ер ислоҳотини ўтказиш ва феодал тарқоқликни тугатишга катта аҳамият беради. Бундан ташқари Афғонистон Халқ Демократик партияси мамлакатда соғлом демократик жамиятни ривожлантириш учун шарт-шароит вужудга келтириш мақсадида давлат аппаратини контрреволюцион ва антидемократик унсурлардан тозалаш сиёсатини амалга оширамиз, деб хабар қилди Н. Тараки. Ҳукумат, деб таъкидлаб ўтди у, саботажга, зараркунандалик ва контрреволюцион ишларга қарши, шунингдек порахўрлик ва сотқинликка қарши кураш олиб боради.

Революцион кенгашнинг раиси Афғонистоннинг келажагига тўхталиб. бундай деди: давлат тузилиши тўғрисидаги қарор мамлакатдаги аҳвол илмий жиҳатдан жиддий анализ қилингандан кейин қабул этилади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш. деди Н. Тараки, программамизнинг бир қисмидир. Бу программа тобора такомиллаштирилади.



Тинч океаннинг шарқий қисмида жойлашган Полинезия оролларн орасида Таити ороли ўзининг гўзаллиги билан ажралиб туради.

СУРАТДА: Полинезиянинг маъмурий маркази— Папеэта шаҳри кўчаларидан бирида.

ТАСС фотохроникаси.

ХАЛҚ УЧУН МУЗЕЙ

3 июнь Давлат Третьяков галереяси тарихига кирган. 1918 йилнинг шу куни В. И. Ленин галереяни национализация қилиш тўғрисидаги Декретни имзолади. Халқ мулкига айланган бу галерея дарҳол бош вазифани — оммани санъатдан кенг баҳраманд қилиш вазифасини ўртага қўйди. «Третьяковкага янги томошабинлар — ишчи-деҳқонлар кела бошлашди.

Третьяков галереясининг директори СССР бадиий академиясининг мухбир аъзоси П. Лебедев қуйидагиларни айтди:

— Граждан урушн йилларида Москвага келган Қизил Армия жангчиларини галерея залларида учратиш мумкинлигидан далолат берувчи ҳужжатлар сақланиб қолган. П. Лебедев шу қизиқарли фактни эслатиб ўтди: бир вақтлар П. М. Третьяков мен яратган ва Москвага совға қилинган галереяни бир йил ичида 50 минг киши томоша қилди, деб фахрланган экан. Ҳозир эса тахминан икки ҳафта ичида бу галерея залларидан ана шунча томошабин ўтади.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ галереяда тўпланган асарлар анча кўпайди. Румянцев музейи рус бўлимининг асарлари, рассом И. Остроухов тўплаган қадимги рус рассомчилигининг ажойиб асарлари, илгари кенг томошабинлар оммаси кўра олмаган ва национализация қилинган хусусий коллекциялар бу тўпламга кирди.

Галерея фондида 50 мингдан кўпроқ суратлар ва контрреволюцион ишларга қарши, шунингдек порахўрлик ва сотқинликка қарши кураш олиб боради.

Революцион кенгашнинг раиси Афғонистоннинг келажагига тўхталиб. бундай деди: давлат тузилиши тўғрисидаги қарор мамлакатдаги аҳвол илмий жиҳатдан жиддий анализ қилингандан кейин қабул этилади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш. деди Н. Тараки, программамизнинг бир қисмидир. Бу программа тобора такомиллаштирилади.

Ҳар йили мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқларн бўйлаб юзга яқин кўчма выставка жўнайди. Галерея ходимлари Москва санъатшуносларн орасида биринчилардан бўлиб қўчик ерларга ва Братск, КамАЗ, БАМга, Бухоро— Урал газопроводи қурувчилари тўпланган кадимги рус санъати тўпламларини намойиш қилишмоқда.

Ҳар йили мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқларн бўйлаб юзга яқин кўчма выставка жўнайди. Галерея ходимлари Москва санъатшуносларн орасида биринчилардан бўлиб қўчик ерларга ва Братск, КамАЗ, БАМга, Бухоро— Урал газопроводи қурувчилари тўпланган кадимги рус санъати тўпламларини намойиш қилишмоқда.

«Третьяковка»нинг Москведаги энг катта корхоналар — «Красный пролетарий», «Серп и Молот» заводларининг коллективлари билан дўстлиги 20-йиллардаёқ бошланган эди. Галерея ходимлари заводларда, фабрикаларда, колхозларда ташкил этилган 70 дан қўпроқ маданият университетларининг ишида қатнашмоқдалар.

Чинакам халқ музейи ўзининг умумдавлат маърифий вазифаларини бугунги кунда ана шундай бажармоқда.

Л. БЕРНАСКОНИ,
ТАСС мухбири.

Ленин учун 3 ТОШКЕНТ ШЕТ. ОҚШОМИ
2 ИЮНЬ, 1978 й.

физкультура ва СПОРТ

• «Пахтакор»нинг рақиблари

«Заря» (Ворошиловград)

Эртага «Пахтакор» ўз майдонида Ворошиловграднинг «Заря» командасини қабул қилади.

Бу команда 1938 йилда ташкил қилинган бўлиб, 1967 йилдан буён мамлакат биринчилигининг олий лигасида иштирок этиб келмоқда. 1972 йилда «Заря» футболчилари ўз ишқибозлари ва ҳатто мутахассисларни ҳам ҳайратга соладиган иш қилишди. Ўша йили улар бутун мавсум давомида чиройли ўйин кўрсатиб, Совет Иттифоқи чемпиони унвонини қўлга киритдилар.

Командага мамлакатимиздаги энг ном чиқарган командалар сафидан ўрин олиш учун узоқ муддат керак бўлди. У олий лигада илк бор қатнашган 1967 йилда 16-ўрин билан кифояланди. Шундан кейин ҳар йили натижани яхшилаб, турнир жадвалида тобора юқорига кўтарилиб борди ва ниҳоят мамлакат чемпиони бўлди.

Мамлакат биринчилигида «Заря» футболчилари 348 учрашув ўтказишган. Бу учрашувларнинг 110 тасида ғалабага эришиб, 122 тасида мағлубиятга учрашган. 116 учрашувни дуранг натижа билан якунлаганлар. Тўплар нисбати — 337:363. Клуб кубок ўйинларини бир мунча яхши ўтказган. Яъни кубок баҳсларида 46 марта майдонга чиқиб, 23 беллашувни ўз фойдасига ҳал қилган. Бу борада тўплар нисбати ҳам бироз дуруст — 54:43.

«Заря» мамлакат биринчилиги ва СССР Кубоги ўйинларида йирик ғалабаларни қўлга киритган. Жумладан, 1970 йилда Донецкнинг «Шахтёр» командасини 5:1, 1972 йилда Ереваннинг «Арарат» ва 1977 йилда Куйбишевнинг «Крилья Советов» командаларини бир хил — 4:0 ҳисобида енган.

Айни пайтда «Заря» командасининг йирик ҳисобда мағлубиятга учраган вақтлари ҳам бўлган. Жумладан, команда 1968 ва 1970 йилларда МАСК командасига 4:0 ҳисобида учрашувларни бой берган. 1968 йилда Одессанинг «Черноморец» командасидан худди шундай ҳисобда енгилган. Кубок баҳсларида «Заря» Ивановонинг «Текстильщик» (1966) ва икки марта Киевнинг «Динамо» (1970, 1974) командаларидан бир хил — 3:0 ҳисобида мағлубиятга учраган.

Команда бир неча марта фахрли совринларни қўлга киритишга муваффақ бўлган. Жумладан, 1967 йилда ва 1976 йилнинг кузида «Адолатли ўйин учун», 1972 йилда эса «Тўплар нисбатининг яхшилиги учун», «Йирик ҳисоб учун», «Прогресс кубоги», СССР Футбол федерацияси ва «Байроқ шарафи» совринларини олишга муваффақ бўлган. 1973 йилда команда ҳужумчиси В. Онищенко «Энг чиройли гол» совриниға билан тақдирланган.

Команда аъзоларидан А. Журавлев мамлакат биринчилигида энг кўп марта ўз клуби шарафини ҳимоя қилган ўйинчи ҳисобланади. У 269 марта «Заря» командаси кийимида майдонга чиққан. Ю. Елисеев командаснинг энг мерган ҳужумчиси ҳисобланади. У рақиблар дарвозасига 36 марта тўп йўллашга эришган. В. Онищенко 1972 йил мавсумида рақиблар дарвозасига ўн марта тўп киритиб, ўзига хос рекорд ўрнатган.

«Заря» командасининг футболчиларидан бир неча киши СССР терма командаси составида қатнашган. Жумладан, В. Онищенко 19 марта, В. Семенов 11 марта, Ю. Васенин 9 марта, А. Куксов ва В. Кузнецовлар 8 мартадан, Ю. Елисеев 7 марта, А. Ткаченко, С. Кузнецов, В. Малигин, А. Шульженко, С. Морозов, Н. Пинчуклар эса бир мартадан мамлакатимиз терма командаси составида майдонга чиққанлар.

Командаиинг катта тренери спорт мастери Юрий Владимирович Захаров.

«Заря» олий лигада «Пахтакор» билан 14 учрашув ўтказган. Бу учрашувлардан олтитасида ворошиловградликлар, учтасида эса тошкентликлар ғолиб чиқишган. Ҳозир «Заря» командаси актривида 8 очко бўлиб, у мамлакат биринчилиги турнир жадвалининг ўрталаридан жой олиб турибди.

ҒОЛИБ ЧИҚИШДИ

Тошкентлик ўқувчи қиз Валентина Лавренчук («Ёш куч») Узбекистон чемпионатида иккита олтин медални қўлга киритди. Ёш спортчи сувга уч метрлик трамплиндан ва ўн метрлик вишкадан сакраш бўйича мусобақада ғолиб чиқди. Эркаклар орасида олтин мукофотларни трамплинда «меҳнат»чи Евгений Лобанов, вишкадан сакрашда эса Александр Решетняк («Зенит» кўнгилли спорт жамиятининг Узбекистон совети) олдилар.

Сувга сакраш бўйича В. Митрофанов номли бассейнда ўтказилган шахсий команда чемпионатида марказий ва республика кўнгилли спорт жамиятлари ҳамда идораларининг вакиллари иштирок этди. Команда ҳисобида «Меҳнат» жамиятининг спортчилари ғолиб чиқдилар.

[ЎзТАГ].

С. ШОКИРОВ СОВРИНИ УЧУН

Стол тенниси бўйича Бутуниттифоқ мусобақаси Совет Иттифоқи Қаҳрамони Останақул Шокиров хотирасига бағишланди. Мусобақада андижонлик қаҳрамоннинг урушга қадар ўқиган ва ҳозир унинг номи билан аталадиган ўрта мактаб спорт залида ўтказилди.

Бу мусобақада Москва ва Ленинград, Пятигорск ва Саратов, Оренбург ва Новокузнецк, шунингдек Узбекистон шаҳарларидан келган етмиш беш кичик ракетка устаси иштирок этди. Қизғин ўтган курашда ленинградлик Ю. Володьков ғолиб чиқди. У якка разрядда ғалаба қозонди. Халқаро классдаги спорт мастери Надежда Мешкова (Пятигорск) мусобақанинг шу тури бўйича қизлар орасида биринчиликни эгаллади.

Жуфт разрядларда С. Осолодкова (Челябинск) билан ўйнаган Н. Мешкова, шунингдек Ю. Володьков ва москвалик А. Сидиковлар мукофотли ўринларни олдилар. Мезбонлар мусобақанинг бу турида учинчи ўринни эгалладилар: Т. Разина— Н. Логинова ва Р. Ширяев— Р. Усмоновлар алоҳида маҳорат кўрсатдилар. Аралаш разрядда А. Сидиков— С. Осолодковалар ғолиб чиқдилар. Шу ернинг ўзида яна бир совринли— учинчи ўрин андижонлик И. Саранова —Н. Сафинга тегди.

Андижонликлардан олти киши мусобақада СССР спорт мастери унвонини олиш ҳуқуқини қўлга киритди.

* РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА *

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИНИНГ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА БОШҚАРМАСИ

ТОШКЕНТ — ОЛМАОТА ШАҲАРЛАРИ ЎРТАСИДА ҚАТНАЙДИГАН РЕЙСЛАР СОНИНИ ЯНА БИТТАГА КЎПАЙГАНЛИГИНИ

БИЛДИРАДИ

Янги Х—53/54 рейсида душанба, пайшанба, шанба кунлари соат 20.50 минутда (Москва вақти) ТУ — 154 самолёти қатнайди.

Самолёт Тошкентдан Олмаотагача 1 соату 15 минутда элтиб қўяди.

1 июндан бошлаб яна иккита янги 7335 ва 7337 рейслари «Киев — Самарқанд — Киев» маршрути бўйича очилди.

Бу маршрутда Самарқанддан ҳафтанинг душанба, сешанба, пайшанба, шанба кунлари 7335 рейси билан ТУ — 134 самолёти қатнайди.

Самолёт Гурьев ва Волгоград шаҳарларида қўниб ўтади. 7337 рейси билан эса ҳафтанинг чоршанба, жума, якшанба кунлари Самарқанддан самолёт учади. Самолёт Астрахань шаҳрида қўниб ўтади.

Бу иккала янги рейсда граждан авиациясининг Украина республика бошқармасининг экипажи хизмат кўрсатади.

Справкалар олиш учун телефон: 56-06-17.
Ҳаво йўлларининг марказий агентлиги.

КИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА!



«ВОЕННАЯ КНИГА» МАГАЗИНИ

АҲОЛИДАН КИТОБЛАР СОТИБ ОЛАДИ

Магазин аҳоли ўртасида талабга жавоб бераоладиган бадиий, илмий (луғатлар, энциклопедия, справочниклар) адабиётларни, китобшунослик, адабиётшунослик, ҳарбий эсдаликлар, санъат, фольклор ва бошқа нашрларни сотиб олиш учун қабул қилади.

Магазин СССР Министрлар Совети қошидаги нархлар давлат комитети тасдиқлаган янги баҳоларга биноан бадиий, болалар ва бошқа адабиётларнинг обуна нашрларини, СССР Маданият министрлигининг нашриётлар Бош бошқармаси тасдиқлаган рўйхат бўйича мактаб дарсликларини оширилган баҳоларда сотиб олади.

1961—1974 йиллар мобайнида босмадан чиқарилган, ҳозирда харидорлар талаби бўлган ва яхши ҳолда сақланган совет ва чет эл бадиий адабиёти, энциклопедик ва луғат нашрларининг сотиб олиниш баҳоси нашриёт баҳосидан икки марта юқори баҳода белгиланади. Баҳосини белгилашда даргумонлик туғиладиган китоблар аҳолидан комиссияга қабул қилинади.

«Знамя», «Октябрь», «Новий мир», «Роман газета», «Иностранная литература», «Вокруг света» ва бошқа журналларнинг тўла комплектлари ҳам комиссияга қабул қилинади.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

Шахсий кутубхонангизни синчиклаб кўздан кечириб чиқинг ва сизга бундан буён керак бўлмайдиган китобларни «Военная книга» магазинига топширинг.

Китобларга иккинчи ҳаёт бахш этайлик!

Китобларни топшириш паспортингиз ёнингизда бўлиши лозим.

Аҳолидан китоблар сотиб оладиган магазинларнинг адреслари: «Военная книга» магазини — Ленин проспекти 40-уй,

«Радио моллари» магазини — Луначарский шоссеси, 61-уй.

Иш соатлари соат 10.00 дан 18.00 гача. Соат 14.00 дан 15.00 гача танаффус. Душанба ва якшанба дам олиш кунлари. Телефонлар: 56-50-35, 56-29-93.

«Военная книга» магазинининг филиали сешанба ва жума кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача ишлайди. Танаффус соат 14.00 дан 15.00 гача. Телефон: 39-34-27 (13-трамвай, 23, 15, 3, 10, 48, 21, 8, 72-автобусларнинг «Сельмаш» бекати).

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1978 ЙИЛНИНГ ИККИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИГА

ОБУНА БОШЛАНДИ

МАРКАЗИЙ ГАЗЕТАЛАР:

Правда.
Известия.
Комсомольская правда.
Социалистическая индустрия.
Экономическая газета.
Красная звезда.
Советская Россия.
Пионерская правда.
За рубежом.
Советская культура.
Медицинская газета.
Московские новости.
Советская торговля.
Советский патриот.
Строительная газета.
Учительская газета.
Воздушный транспорт.

РЕСПУБЛИКА ГАЗЕТАЛАРИ:

Неос дромос Ҳақиқати Ўзбекистон.
Сельская жизнь.
Труд.
Книжное обозрение.
Советский спорт.

ҚЎЙИДАГИ ГАЗЕТАЛАРГА ИККИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИККА ОБУНА УЗАЙТИРИЛАДИ:

«СОЮЗПЕЧАТЬ» АГЕНТЛИКЛАРИДА 1978 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИГА ОБУНА ҚИЛИНГАН КВИТАНЦИЯ КЎРСАТИЛГАНДАН СЎНГ ОБУНА УЗАЙТИРИЛАДИ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР АЛОҚА МИНИСТРЛИГИНИНГ «СОЮЗПЕЧАТЬ» БОШҚАРМАСИ.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ташсельмаш» заводи базасидаги

14-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978— 1979 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти металл бўйича токарь, механика-йиғув ишлари слесари, саноат асбоб-ускуналари ремонти бўйича слесарь, электр-газ пайвандчи, ОТК контролёри, радио-электрон аппаратуралари монтажчиси, счёт—ҳисоблаш ва клавишли машиналар ремонти ва улардан фойдаланиш бўйича механик каби мутахассисликлар бўйича малакали ишчилар тайёрлаб чиқаради.

Ўқишга саккизинчи синфни тугатганлар қабул қилинади.

Қабул қилинганлар уч маҳал овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикасидан тушган иш ҳақининг бир қисми (онаотасиз ўқувчиларга қўшимча равишда стипендия тўланади) билан таъминланадилар.

ЎҚИШ ДАВРИ ДОИМИЙ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатган ўқувчилар ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда умумий қоидалар асосида олий ўқув юртларига билим юртини тугатганлан сўнг мажбурий икки йил ишлаб беришсиз кириб ўқишлари мумкин. Ўқиш тугагач уларга ўрта махсус таълим ҳақидаги диплом топширилади.

ЎҚИШ МУДДАТИ—3 ИИЛ.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: саккизинчи синфни тугатганлиги ҳақидаги гувоҳнома, тўғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, яшаш жойидан, ота-онасининг иш жойидан справкалар, 6 та фотосурат (3х4 см ҳажмида), автобиография, мактабдан характеристика.

Машғулотлар— 1 сентябрдан бошланади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, Ҳамза район, Сельмаш кўчаси, 14. Телефонлар: 32-23-91, 66-84-44.

от спорти

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ЮТУҒИ

Мусобақалар ниҳоясида тошкентлик спорт мастерлигига кандидат чавандоз Ольга Хлюнина катта натижага эришганлиги маълум бўлди. Тошкентлик спортчилар орасида ягона бўлган бу қиз ўсмирлар ўртасида ўтказилган чавандозлик бўйича уч кураш баҳсларида ғолиб чиқди. У бир неча беллашувларда ҳар жиҳатдан устун эканлигини намойиш қилди. Мусобақалар давомида СССР спорт мастери нормативини бажаришга муваффақ бўлган Оля ўз командасига қимматли очколар келтирди. Бу команда ёшлар ўйинлари бўйича Узбекистон XVIII спартакиадаси программасида ўтказилган беллашувларда қатнашди.

Республикамиз ёш от спортчиларининг бу сафарги беллашувларида жуда кўп спортчилар иштирок этишди. Фақат унинг финал беллашувларида 150 дан зиёд чавандоз қатнашди. Республикамиз пойтахтининг ёш чавандозлари муваффақиятли қатнашдилар. Улар барча баҳсларда биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди.

Шахсий ҳисобда ҳам асосан тошкентликлар ғолиб чиқишди. Тўсиқлардан ошиб ўтиш бўйича ўтказилган беллашувларда спорт мастери Виктор Зямаруевга тенг келадигани бўлмади. Чавандозликда эса спорт мастерлигига кандидат Елена Кузбагарова пешқадамлик қилди. Яна бир беллашувда эса Татьяна Эшмуҳамедова ғолиб чиқди. Тўсиқлар оша ўтказилган эстафета чавандозлигида эса спорт мастерлигига кандидат Мирза Мусаев ва биринчи разрядли спортчи Сергей Луцколар пешқадамлик қилишди. Е. Кузбагарова ва В. Зямаруевлар икки программада — «Кичик олимпиада соврини» ва «Ўсмирлар кубоги» беллашувларида ғолиб чиқдилар. Натижада шаҳримиз командаси 271 очко тўплаб, иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган Андижон ва Самарқанд областларининг командаларини анча ортда қолдириб кетдилар.

Республикамиз пойтахти спортчиларининг эришган ғалабалари тасодифий эмас. Чунки Тошкентда қадимий спорт турларидан ҳисобланган от спорти йилдан йилга яна оммалашиб бормоқда. Бу спорт ишқибозларининг сафи тобора кенгайиб боряпти. Мамлакатимизда энг яхши ипподромлардан бўлган Тошкент ипподромини ишга туширилиши билан спортчиларнинг имкониятлари кенгайди. Уларнинг маҳорат оширишлари учун лозим бўлган шароит яхшиланди. Ишонч билан айтиш мумкинки, Узбекистон чавандозлари яқин келажакда Москва, Ленинград ва Россия федерациясининг етакчи чавандозлари билан тенг беллашиш маҳоратига эга бўладилар.

А. ИНОҚОВ.



Узбекистон ССР Фанлар академиясининг геология ва геофизика институтида ўз касбининг устаси бўлган нўплаб олимлар, илмий ходимлар хизмат қилишади.

СУРАТДА: институт ходими Рустам Конеев электрон микрозонд ёрдамида минераллар устида илмий тадқиқот ишлари олиб боряпти.

М. Нуриддинов фотоси.

ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ

Миллий совет музикасининг ўзига хос антологияси бўлган «совет композиторларининг авторлик кечалари» деб аталган концертлар Тбилиси тингловчиларига гоят манзур бўлиб қолди. Давлат симфоник оркестри пультида ўз маҳоратини намойиш қилган эстон композитори Арво Пярт музика мухлисларини ўзининг биринчи ва учинчи симфониялари, камера асарлари билан таништирди. А. Меликов, Г. Егизарян ва қардош совет республикалари бошқа усталарининг авторлик кечалари ҳам муҳим воқеа бўлиб қолди.

Бу концертлар, дейди грузия симфоник оркестрининг бош дирижери, республика халқ артисти Д. Кахидзе, аслида миллий маданиятларни ўзаро бойитадиган нарсаларни гавдалантиради. Бундай концертлар бизга репертуарни ажойиб асарлар билан бойитишда ёрдам берди.

◆ БИЛИБ ҚЎЙИГАН ЯХШИ

УЙИНГИЗНИНГ ИҚЛИМИ

Ҳаммамизга маълумки, уйда хоналар тоза, саранжом-сариштa бўлиши керак. Лекин квартирaнинг иқлими ҳақида қайғурилмаса, уй чинакам сариштa бўлмаслигини баъзилар унутиб қўйишади. Ҳавоси бузилган бинода киши ўзини ёмон ҳис қилади.

Ҳаво ҳудди овқат сингари, организмимиз ҳаётининг асосий гаровидир. Унда етарли миқдорда кислород, озгина сув буғлари ва бошқа фойдалари моддалар бўлиши лозим.

Берк, яхши шамолатилмайдиган бинoларда ҳаво айнийди. У овқат тайёрлаш, кир ювиш, чўмилиш пайтида бўладиган бугланиш натижасида бузилади. Шунингдек, чанг ҳам ҳавони ифлослайди. Шунинг учун устки кийимни, пойафзални хонага кирмасдан ечиш лозим. Уйни тоза, нам латта билан артиш лозимлигини ҳозир ҳам айрим кишилар билишмайди. Печкаларни ёрдамчи хоналардан ёқиладиган қилиш лозим. Ошхонага қозон ўрнатиб, хоналарни буғ батареялари орқали иситиладиган қилинса янада яхши бўлади.

Квартирадаги нам ҳаво ҳам кишига ёмон таъсир кўрсатади. Хонадаги намлик даражаси турли сабаблар билан ортиб кетиши мумкин. Кўпинча қишда хоналар яхши иситилмаса, шамолатилмаса шундай бўлади. Ювилган кирлар хоналарда қуритилса ҳам намлик даражаси кескин ортиб кетади. Уйни қишда печка ёқилаётганда ҳам шамоллатиш лозим. Фақат шундагина унинг ҳавоси ҳам иссиқ, ҳам тоза бўлади.

Редактор ўринбосари С. Б. ЁҚУБОВ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими Давлат комитети

ТОШКЕНТ ШАҲАР

46-КЕЧКИ СМЕНАЛИ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—79 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Газ-электр пайвандчи (ўқиш муддати— 6 ой), **қолипчи, электр кўприкли кран машинисти** (ўқиш муддати — 1 йил).

Билим юртига 8— 10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 17 ярим ва ундан катта ёшдаги тошкентлик ва бошқа шаҳарлик йигит-қизлар қабул қилинади. Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Газ-электр пайвандчи группаси ўқувчиларига ҳар ойда 54 сўмдан, қолипчи группаси ўқувчиларига эса 80 сўмдан стипендия берилади. Бундан ташқари ишлаб чиқариш практикаси даврида қолипчи группасидаги ўқувчилар ишбай-ҳақ бўйича меҳнат ҳақи оладилар.

Ўқувчилар 3 маҳал овқат билан таъминланадилар.

Билим юртини битирганлар Октябрь революцияси номли заводга ишга юборилади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), мактабдан ёки иш жойидан характеристика, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат, 286-формадаги медицина справкаси, таржимаи ҳоли, ариза.

Машғулотлар— группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Мурожаат учун адрес: 700015, Тошкент шаҳри— 15, Кафанов кўчаси, 51-уй (8, 9, 10, 24-трамвайлар ва 9-автобуснинг «Кафанов кўчаси» бекати). Телефон 56-58-87.

Телевизор экранида

2 ИЮНЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.50 В. С. Зорин. «Жануб дарвозаси». Телевизион ҳужжатли фильм. 18.30 Янгиликлар. 18.45 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Польша— ГФР терма командалари. Аргентинадан олиб кўрсатилади. 20.15 «Қушиқ онага ҳамиша ҳамроҳ». Ёш ижрочилар Бутуниттифоқ телевизион конкурсининг финали. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.15 «Қушиқ онага ҳамиша ҳамроҳ». Концертнинг давоми. 23.30 «Ҳайкал». Фильм-концерт премьераси. А. С. Пушкинга бағишланади. 00.20 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Курсатувлар программаси. 18.00 «Туғилган кун». Болалар учун мультфильм. 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мен— Совет Иттифоқи гражданиман». 18.45 «Идеология ва ҳаёт». Тележурнал. 19.15 «Аҳборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Телевизион театр почтаси». 20.30 «Аҳборот» информацион программаси. 20.50 «Визга мактуб йўллабсиз». Музикали программа. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.15 «Пилла-корларнинг меҳнат рапортлари». 22.30 «Телевидение экранида биринчи марта». «Насимий». Бадиий фильм. 24.00 Курсатувлар программаси.

3 ИЮНЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.30 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.10 «Бу ратино кўргазмаси». 10.40 «Ота-оналар, Сизлар учун». 11.10 «Тонгги почта». Музикали программа. 11.40 «Диққат — йўл». Курсатувни СССР Ички ишлар министрлиги давлат автоинспекцияси бошқармаси бўлимининг бошлиғи Н. Д. Сорокин олиб боради. 12.10 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». Дрезден расмлар галереяси. «Германия, Испания, Франция живописи». 12.35 «Думка» Давлат хор капелласи қўйлайди». Киевдан олиб кўрсатилади. 13.05 «Эртага— мелиораторлар куни». Курсатувда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министри, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Е. Е. Алексеевский иштирок этади. 13.25 «Музикали абонемент». И. С. Бахнинг камер ижоди. 14.20 «Спортлото» тиражи. 14.30 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 15.00 «Узимизнинг ўлка» (Сибирь ва Узоқ Шарқ ҳақида). «Паҳлавонлар йўли». Ҳужжатли фильм. 16.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Венгрия — Аргентина терма командалари. Аргентинадан олиб кўрсатилади. 17.30 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Одтин соч». Мультфильм. 19.05 «Хатларингиз асосида». Мелиораторлар кунига бағишланган музикали программа. 19.50 «Лотин Америкаси — қитъа муаммолари». Курсатувда Уругвай Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Р. Арисменди иштирок этади. 20.20 «Вола— болада». Телевизион бадиий фильм премьераси. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Чет эл эстрадасининг қўйлари ва оҳанглари». 22.45 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Швеция— Бразилия терма командалари. Аргентинадан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида— Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

17.35 Курсатувлар программаси. 17.40 «Сеҳрли сандиқ». Болалар учун мультфильм. 17.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Ўсмирлар ижоди». 18.20 «Нафосат оламида». 19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор»— «Заря» (Ворошиловград). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Аҳборот» информацион программаси (рус.). 20.45 «Аҳборот» информацион программаси. 21.00 Тўхтасин Жалилов номли халқ чолғу оркестрининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ғалла— ризқ-рўзимиз». 22.15 «Қўшиқларда қиз қалби». Музикали программа. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

17.30 Курсатувлар программаси. 17.35 Болалар учун мультфильм. 18.00 «Ғунчахон санъати». Болалар учун концерт. 18.25 «Кинокамера билан саёҳат». 19.35 «Новости» информацион программаси. 19.50 Москва «Лотин Америкаси — қитъа муаммолари». Курсатувда Уругвай Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Р. Арисменди иштирок этади. 20.20 Ҳужжатли фильм. 20.40 «Аҳбор» информацион программаси. 21.00 «Тарбияга комплекс ёндошиш» (тожик тилида). 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 Концерт. 22.45 Душанба курсатувларининг охири.

Андижон область, Избоскон районидаги Фрунзе номли 26-мактаб томонидан **Жўрабой Позилов** номига берилган 369100 номерли йўқолган

ЕТУКЛИК АТТЕСТАТИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Маориф, олий мактаб ва илмий муассасалар ходимлари касаба союзи Узбекистон республика комитети республика касаба союз комитетининг секретари Ш. Нуриддинова отаси

Нуриддин МАНСУРХЎЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2 ИЮНЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700,000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42.

Р. 17622.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579.

Нашр Д—1323.